

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

УМУРЗОҚОВ БАҲРИДДИН САФАРОВИЧ

**АЛИЙ САФИЙ ҲИРАВИЙНИНГ «РАШАҲОТ» АСАРИ:
МАТН ТАРИХИ, ТАРЖИМАЛАРИ, МАНБАШУНОСЛИК
ВА ГЕРМЕНЕВТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

УУК: 821.22.1

ББК:83.3(5)

У-9

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации по
филологическим наукам**

**Content of the Abstract of Doctoral (DSc) dissertation
on Philological Sciences**

Умурзоков Бахриддин Сафарович

Алий Сафий Ҳиравийнинг «Рашахот» асари:

матн тарихи, таржималари, манбашунослик ва герменевтик тадқиқи 3

Умурзоков Бахриддин Сафарович

Произведение Али Сафи Хирави «Рашахот»:

история создания текста, переводы, сравнительно-текстологическое
и герменевтическое исследование 29

Umurzokov Bakhriddin Safarovich

Ali Safi Hirav's work «Rashahot»:

the history of creating a text, translations, comparative-textological
and hermeneutical research 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications..... 64

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

УМУРЗОҚОВ БАҲРИДДИН САФАРОВИЧ

**АЛИЙ САФИЙ ҲИРАВИЙНИНГ «РАШАҲОТ» АСАРИ:
МАТН ТАРИХИ, ТАРЖИМАЛАРИ, МАНБАШУНОСЛИК
ВА ГЕРМЕНЕВТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Fil264 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tsuos.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Исломов Зоҳиджон Маҳмудович
филология фанлари доктори, профессор

Шодмонов Нафас Намозович
филология фанлари доктори, профессор

Раҳимов Комилжон Раҳматович
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2023 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsuos.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент, Амир Тему́р кўчаси, 20-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

Қ.Ш. Омонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув шиддатли суръат касб этиб бораётган ва қудратли давлатлар – куч марказлари ўртасида муросасиз ғоявий курашлар кечаётган ҳозирги мураккаб даврда шарқ мумтоз адабиёти асарларида ифодаланган инсонпарварлик ҳамда тинчликпарварлик ғоялари инсоният истиқболи, келажак насллар иқболи учун жуда ҳам зарур, долзарб ҳисобланади.

Дунёда ўрта аср ижодкорлари томонидан ёзилган манокіб-тазкира китоблар кўп бўлишига қарамай, Хуросон ва Мовароуннаҳрда яратилган ёднома-адабий асарларнинг нафақат Марказий Ўрта Осиё, балки ислом оламида, жумладан, Миср, Рум, Ҳиндистон, Ҳижоз диёрларида кўп нусхада китобат ва таржималар қилингани аждодларимизнинг кучли илмий-ижодий салоҳият эгаси бўлганлигига далолат қилади. Ҳирот илмий ва адабий мактабининг етук вакили Фахруддин Алий Сафий Кошифий Ҳиравийнинг «Рашаҳоту айни-л-ҳаёт» («Ҳаёт булоғидан томчилар») ¹ асари нодир манбалардан бири. Ушбу асар замонавий нашр этилган, аммо бу нашр матни билан асарнинг қадимий нусхалари – автограф ва мўътабар нусхалари ўртасида фарқлар мавжудлиги боис «Рашаҳот»нинг матншунослик, манбашунослик ва герменевтик тадқиқига ҳозирги кунда зарурат сезилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ўтмишда яшаб ўтган буюк сиймоларнинг илмий меросини ўрганишга кенг имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, матншунослик ва адабий манбашунослик тадқиқотларини қўлёзма манбалар асосида чуқур ўрганиш йил сайин алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Бу жараён мамлакатимизда аждодларимиз илмий-адабий меросини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги натижасидир. «Матншунослик, адабий манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш» ² лозимлиги устувор муҳим йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши эса мазкур соҳаларда илмий тадқиқотлар янада кўпайишига замин бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2022 йил 10 февралдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ³ ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Бундан кейин: «Рашаҳот».

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-2995-сон Қарори. (Қаранг: <https://lex.uz/docs/3211987>); Мирзиёев Ш. Ватанимиз тақдир ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. //«Халқ сўзи» газетаси, 2017 й. 16-июль, 119 (6813). – Б.1.

³ https://uza.uz/uz/posts/qadimiy-yozma-manbalarni-saqlash-va-tadqiq-etish-tizimini-takomillashtirishga-doir-qoshimchachora-tadbirlar-togrisida_345758.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Тасаввуфий таъқиқ ва манокӣб асарларни ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Indiana University of Bloomington (АҚШ), University of Cambridge (Англия), University of Bonn (Германия), Институт востоковедения РАН (Россия) University of Tehran (Эрон), İstanbul Üniversitesi (Туркия), Jawaharlal Nehru University (Ҳиндистон), Baki Dovlet Universiteti (Озарбайжон), University of Tehran (Эрон), İstanbul Üniversitesi (Туркия), Хўжанд давлат университети (Тожикистон), ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Гулистон давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

«Рашаҳот» асаридаги маълумотлар асосида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: «Рашаҳот» асарининг Британия кўлҳзма нусхаси тадқиқ этилган (University of Tehran); «Рашаҳот»да Нақшбандия тариқати ўн бир асосининг тадрижий шаклланиш жараёни баёни тадқиқ қилинган (University of Tehran); манокӣб асарларининг ғарбий европа тилларига қилинган таржималарига бағишланган тадқиқотлар амалга оширилган (University of Cambridge); «Рашаҳот»да Нақшбандия таълимотининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари баёни тадқиқ этилган (Тожикистон ФА).

Бугунги кунда Ўзбекистонда Алий Сафийнинг ақидавий, ирфоний ва фалсафий қарашларини чуқур ўрганиш, хусусан, унинг «Рашаҳот» асарининг нодир нусхалари асосида энг ишончли, мукаммал матнини нашр этиш, асарнинг замонавий ўзбек тилига таржимасининг илмий-оммабоп нашрини амалга ошириш бўйича ҳам ишлар давом эттирилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотнинг манбавий асосини «Рашаҳот» асари ташкил этади. Тадқиқот мавзуси билан боғлиқ ғарб тилларидаги хориж адабиётларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Хорижлик манбашунос олимлардан А.А.Муъийнийон, А.Г.Маъоний, М.Холланд, М.З.Кўтқу, И.Гундуз, У.Турар, Н.Тўсун Алий Сафий яшаган давр, унинг

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://cheloveknauka.com/rashahotu-aynilhaet>; <http://ktp.isam.org.tr/uriktpgenel/findrecords.php>; http://scam.beruni.uz/arabic_reader/index.php; https://dlib.nyu.edu/aco/book/princeton_aco003931/11langar; <https://t.me/erfaneeslamii>; http://www.uchzap.tj/yandex.uz/maps/org/khujand_state_university_named_after_academician_b_gafurov; <https://uz.yellowpages.uz/korxonaguliston-davlat-universiteti>; www.indiana.edu; www.cam.ac.uk; www.uni-bon.edu; www.spbu.ru; ut.ac.ir/en; www.istanbul.edu.tr; www.jnu.ac.in; www.bsu.edu.az ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

фаолияти ва ижоди ҳақида қисқача маълумотлар беришган⁵. «Рашаҳот» асарининг мазмун-моҳияти, асарда Хожагон тариқати ҳамда сулук одоблари талқини хусусида Муҳаммад Саноуллоҳ Пани-Патий, Мавлоно Холид Бағдодий, Муҳаммад Зоҳид Бурсавий, проф. М.А.Жўшон, Ҳожи Аҳмаджон Махдум, Маҳмуд Устаусмонўғли, Зулфиқор Нақшбандий каби тасаввуф соҳасининг йирик билимдон олимлари ўз илмий-маърифий тадқиқотларида тасаввуф, ижодда анъана ва новаторлик, мумтоз асарлар ва уларнинг жанрлари билан боғлиқ хусусларни кун тартибига қўйиб, уларга доир ўз қарашларини билдириб ўтганлар⁶.

Алий Сафийнинг «Рашаҳот», «Латоиф ат-тавойиф» каби йирик асарларининг замонавий нашри мавжуд⁷.

«Рашаҳот» асарининг тошбосма-литографик, замонавий нашрларидан таниқли манбашунос олимлар ва адабиётшунослар ўз илмий тадқиқотларида кенг фойдаланишган.⁸ Шунингдек, рус шарқшунос олимлари⁹дан В.В. Бартольд,

⁵ رشحات عين الحيات تأليف: مولانا فخر الدين علي صفي بن حسين الواعظ الكاشفي،
مجموعه متون قديم و احوال دانشمندان و 2536/1977 بامقدمه و تصحيحات و حواشي و تعليقات دكتور علي اصغر معينيان، جلد اول و جلد دوم تهران عارفان

(Бундан кейин: «Рашаҳот».Муъийнийон, 1977.);
لطائف الطوايف تأليف: مولانا فخر الدين علي صفي بن حسين الواعظ الكاشفي،
1373/1953 بامقدمه و تصحيحات و حواشي و تعليقات دكتور احمد كلجين معاني، تهران

(Бундан кейин: «Латоиф». Маъоний, 1953.);

Rashahot – Beads of Dew from the Sorce of Life. Translated, edited and annotated by Holland Muhtor. – London, 2001.
(«Рашаҳот»нинг усмонли-туркча таржимаси асосида инглиз тилига қилинган таржима. – Б.У.); Kotku Mehmed Zahid. Nefsin terbiyesi – Abdulhalik-ı Gujduvanının nasihatları. – Istanbul-Fatih, 1994. 166 s.; Gunduz İrfan. Gumuşhanevi Ahmed Zıyauddin k.s. – Nakşbendiyeye Prensıbları.– Istanbul, 1984.336 s.; Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. 180 б.; Tosun Necdet. Bahaeddin Nakşbend. Hayatı-Gorisleri-Tarıkati. – Istanbul: İnsan yayınları, 2012. 463 s.

⁶ Irshod al-murid. Muhammad Sanoullouh. – Lohur. 2001. – S.41; Mevlane Xolid Bagdaiy. Al-Odob. – Istanbul-Fatih, 1997. –S.131; Kotku Mehmed Zahid. Nefsin terbiyesi. – Istanbul-Fatih, 1994. 166 s.; Joşan M A İlmıy makaleler . –Istanbul, 2001,5-baskı. –S.226; Ҳожи Аҳмаджон Махдум Нақшбандий. Рисолат-у-л-комила фий қазои-л-фоита (Қазо намозларни ўқиш лозимлиги ҳақида мукамал рисола). –Т.: Мовароуннаҳр, 1997. –64 б.; Ustausunoglı M. Irshod al-muridin. –Istanbul-Fatih, 2020,5-baskı. –S.426.; Шайх Зулфиқор Нақшбандий. Одоб-и ат-тариқати ан-нақшбандия. Лоҳур, 2011. – Б.51.

⁷ Қаранг: «Латоиф». Маъоний, 1953. –Б.424.

⁸ Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. –Т., 1984.; Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVII вв. (Письменные памятники). Отв. ред. У.И.Каримов. – Т., 1985.; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор: Уйдирма ва ҳақиқат //Мулоқот, № 3-4. – Т., 1991; Абдуллаев И. Нақшбандия – оламшумул таълимот // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент: 1993. № 9-10. – Б.55-58.; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. – Т., 1993.; Маънавият юлдузлари (илм. мақолалар гўплами). – Т., Маънавият, 1993. 42 б.; Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. – Т., Маънавият, 1994. 23 б.; Бўриев О., Ҳасанов М. Яъқуб Чархий. //Мулоқот.-1995.-№7-8. – Б.42-44.; Бўриев О., Ҳасанов М. Хожа Муҳаммад Порсо//Буюк сиймолар, алломалар. – Т., 1996. 2-китоб. – Б.47-51.; Холмўминов Ж. Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий. Ҳаёти ва фалсафий-ирфоний мероси. –Т., «Tafakkur tomchilari», 2021. –Б.9-10.

⁹ Вяткин В.А. Изъ биографии Ходжи Ахрара. Перепечатано из № 147. «Туркистанские ведомости», за 1904 г.; Семенов А.А. Бухарский шейх Бахауддин (К его биографии). Восточный сборник в честь А.Н. Веселовского. – М., 1914. – С.202-211.; Бартольд В.В. История культуры мусульманства. – С.Петербург, 1918. – Б.98.; Веселовский Н.И. Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде // Восточные заметки. – С.Петербург, 1895.; Иванов П.П. Хозяйство джубарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XV-XVI вв. – М.: Издательство АН СССР, 1954. 379 с.; Гордлевский В.А. Бахауддин Нақшбанд Бухарский. Избранные сочинения. – М., 1962.; Бартольд В.В. Сочинения. Том VIII. Работы по источниковедению. – Москва: Издатель-во «Наука» Главная редакция восточной литературы, 1973. –С.192.; Казаков Б. Анонимное житие Ходжи Ахрара. (Бартольдовские чтения) – М.: Изд. «Наука», 1981.; Сухарева О.Р. Потомки Ходжа Ахрара (Бартольдовские чтения). – М.:1982.; Болдырев А.И. Ещё раз к вопросу о Ходжа Ахраре // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем востоке в период феодализма. – М, 1982.; Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998). Составитель и отв. редактор А.А.Хисматулин. Филологический факультет Санкт-Петербургского Государственного Университета. – С.Петербург, 2001. – С.20-32.

А.И. Болдырев, Н.И.Веселовский, В.А.Вяткин, В.А.Гордлевский, П.П.Иванов, Б.Казаков, А.А.Семенов, О.Р.Сухарева, А.А.Хисматулин, эронлик тасаввуфшунос олимлардан А.А.Муъийнийон, А.Г.Маъоний, А.Зарринкўб¹⁰, М.Хусайний¹¹, турк манбашунос ва тасаввуфшунос олимларидан Ф.Купрулу¹², М.А.Жўшон¹³, И. Гундуз¹⁴, У.Тураp¹⁵, Н.Тўсун¹⁶, Ҳ.Йилмаз¹⁷, М. Uzсарay¹⁸, ўзбек шарқшунос, адабиётшунос, тасаввуфшунос олимлари¹⁹дан Б. Валихўжаев, Р.А.Тиллабаев, Ориф Усмон, А.А.Хусейнова, З.Қуттибоев, Э.Э.Каримов, К.Каттаев, Р.Шодиев, М.Ҳасаний, М.Раззоқова, А.Рустамий, С.Сайфуллоҳ, Г.Наврўзова, Х.Раҳматова, Ж.Холмўминов, И.Усмонов, К.Рахимов кабилар ўз тадқиқотлари ва нашрларида «Рашаҳот» асарига жуда кўп бор мурожаат қилишган.

1950-1977 йй. мобайнида Алий Сафийнинг йирик ҳажмли насрий асарлари эронлик олимлар А.А. Муъийнийон ва А.Г. Маъоний томонидан нашр қилинган. «Рашаҳот» асари замонавий турк, дарий, инглиз тилларида нашр этилган²⁰. Ўзбекистон, Россия, Олмония ва Америка шарқшунос-манбашунослари мана шу таржималар асосида «Рашаҳот»даги нақшбандия ва яссавия машойихи

¹⁰ Зарринкўб А. Эрон тасаввуфи тўғрисида изланишнинг давоми (форсча).—Техрон, «Амири Кабир», 1387/2008.

¹¹ Хусайний Марям. Нақшбандия тариқати намояндаларининг «Рашаҳот айн ал-ҳаёт»гача бўлган асарларида ушбу тариқат ўн бир рашҳасининг шаклланиш жараёни //«Гавҳари гўё» ирфоний адабиёт тадқиқотлари илм. журнали. 14000/2021й. баҳори ва ёзи. №1(46).-Б.155-174.

¹² Кўпрўлузода Ф. Миллий татаббулар мажмуаси. – Истанбул, 1931.; Köprülü Fuat. Türk dili ve edebiyati hakkında araştırmalar. – İstanbul, 1934.

¹³ Joşan M.A. Ilmiy makaleler . – Istanbul, 2001. 5-baski. –S.226.

¹⁴ Gunduz I. Gümüshanevi Ahmed Zıyauddin k.s. – Nakşbendiyye Prensıbları.– Istanbul, 1984. – S. 336.

¹⁵ Тураp У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999.

¹⁶ Tosun N. Bahaeddin Nakşbend. Hayati-Gorısleri-Tarikati. – Istanbul: «İnsan yayınları», 2008. – S.338.

¹⁷ Йилмаз Ҳ. Золотая силсила. (Перевод с турецкого Д. Кадыров.) – Москва, «Сад», 2009.

¹⁸ Resahat (Hayat pinarinden jan damlaleri). Sadelestiren: Mustafa Uzсарay. – Turkiye. Davutpasa, Istanbul: «Semerkand», 2017.

¹⁹ Каримов Э. Э. Роль, место и социальные позиции духовенства Мавераннахра в XV в.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1990. 159 с.; Каттаев К. Хожа Аҳрор ва Улугбек. // «Гулистон» журн., 1991. 3-сон.; Шодиев Р. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии: Дисс. канд. ист. наук. – Самарканд, 1993. 240 с.; Ориф Усмон. Баховуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Т., Университет, 1993; Усман А. Крупнейшие суфийская братства Центральной Азии. – Самарканд: «Саратон-Хамар», 1999; Ориф Усмон. Бухори шарифнинг етти пири. – Т., ТошДШИ, 2003; Каттаев К. Бу офоқ ичра тоқ (Хожа Аҳрор ҳақида) //«Зарафшон» журн., 1994.17 ноябр сони.; Тиллабаев Р.А. Среднеазиатские агиографические сочинения XV-XVI вв. как исторический источник (жития шейхов нақшбандиев). Автореф.... дисс. док. ист. наук. – Т.,1994.54 с.; Хусейнова А.А. Общечеловеческие ценности в мировоззрении Абдрахмана Джамии: Автореф. ...дисс. канд. ист. наук. – Т., 1994. – 64 с.; Қуттибоев З. Дарёи раҳматиға фарқ қилгай // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. – Т., Ўзбекистон, 1994. – Б.253-263; Қуттибоев З. Хожа Аҳрор сийрати // «Мулоқот», 11-12, 1995. – Б.47-48; Қуттибаев З.А.Ходжа Убайдуллах Аҳрор и его место в социально-политической и духовной жизни Мавераннахра XV века: Автореф. дисс. док. ист. наук. – Т., 1998; Ҳасаний М., Раззоқова М. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий. – Т.: Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази, 2003.; Валихўжаев Б. Буюк маънавий муршид. – Т.: «Фан», 2004.168 б.; Рустамий А. Ҳазрати Навойийнинг маънавий олами. – Т., 2014. - Б.98.; Наврўзова Г.Н., Раҳматова Х.Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. –Бухоро: «Бухоро», 2010; И. Усмонов. Ҳаким Термизий ва нақшбандия тариқати. //Илмий-таҳлилий ахборот. Тошкент ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009; Рахимов К. Нақшбандия тариқати ва етти пир. – Т., «O‘zbekiston», 2020; Холмўминов Ж. Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий. Ҳаёти ва фалсафий-ирфоний мероси. – Т., «Tafakkur tomchilari», 2021.

²⁰ Resahat (Hayat pinarinden jan damlaleri). Sadelestiren: Mustafa Uzсарay. –Turkiye. Davutpasa/Istanbul: «Semerkand», 2017. 9-baski.

ҳақидаги муҳим маълумотлардан ўз тадқиқотларида давомли фойдаланиб келишмоқда²¹.

«Рашаҳот» асарининг ўзбек тилига илк бор 1879 йилда, яъни Феруз – Муҳаммад Раҳимхон II (1845–1910) хонлик қилган даврда Домла Худойберган Бекмуҳаммад ўғли томонидан таржима қилинган. Мазкур таржиманинг замонавий жорий алифбога табдили 2003 ва 2004 йилларда чоп этилди²². МДХ микёсида 2009 йилда Алий Сафийнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари тадқиқ қилинган²³. 2019 йилда эса Фаҳруддин Алий Сафий илмий адабий-мероси ва «Рашаҳот» асарининг қиёсий-текстологик тадқиқига бағишланган махсус тадқиқот иши – докторлик диссертацияси химоя қилинган²⁴ ва йирик монография нашр этилган²⁵.

2020 йилда «Рашаҳот» асарининг қадимий матни, асарнинг нодир нусхалари, таржималари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари тадқиқига бағишланган йирик монография нашр бўлган²⁶.

2020-2021 йилларда «Рашаҳот» асарининг факсимиле нашри ҳам чоп этилган²⁷. ЎзР ФА ДАМ томонидан ҳам «Рашаҳот» асарининг факсимилеси нашр қилинган²⁸.

²¹ Исламизация и сакральные родословие в Центральной Азии. Том 2. Генеологические грамоты и сакральные семейства XIX-XXI веков: насаб-нама и группы ходжей, связанных с сакральным сказанием об Исхак Бабе. Редакционная коллегия тома: Абусайтова М.Х., Мырзаахмет М., Бабаджанов Б.М., ... и другие. – Алматы-Берн-Ташкент-Блумингтон: «Дайк-Пресс», 2008. 364 с.; Суфизм в Центральной Азии. Зарубежные исследования. Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998). Составитель и ответственный редактор А.А. Хисматулин. Филологический факультет Санкт-Петербургского Государственного Университета. – Санкт-Петербург, 2011.; Исламизация и сакральные родословие в Центральной Азии Том 1. Издатели: Девин Ди Уис, А.К. Муминов. – Алматы-Блумингтон: «Дайк-Пресс», 2013. – С.21-22.; Суфизм в Центральной Азии. Зарубежные исследования. Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998). Составитель и ответственный редактор А.А. Хисматулин. Филологический факультет Санкт-Петербургского Государственного Университета. – Санкт-Петербург, 2011. 267 с.; Девин Ди Уис, Муминов А.К. Исламизация и сакральные родословие в Центральной Азии. – Алматы-Блумингтон: «Дайк-Пресс», 2013. Том 1. – С.368-369.; Абирова Б.И. Суфизм как феномен исламской культуры. /Суфизм в Иране и в Центральной Азии. (Материалы Международной конференции 2-мая 2006 года г.Алматы.) Алматы, 2006.-С.220.; Сейтахметова Н.Л. Макамы в суфизме как феноменические образы мусульманского средневековья. /Суфизм в Иране и Центральной Азии. (Материалы Международной конференции 2-мая 2006 года г.Алматы.) Алматы, 2006. -С.85.; С.Сайфуллох. Етти пир. Дунё муршидлари. –Т., «O‘zbekiston», 2019.; Рахимов К. Хожагон-нақшбандия тариқати ва етти пир. –Т., «O‘zbekiston», 2020.168 б; Рахимов К. Мовароуннаҳр тасаввуф тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлантирилиши. (VIII-IX асрлар). –Т., «Akademnashr», 2020.400 б.

²² «Рашаҳот - Обихаёт томчилари». Тарих.-маърифий асар. Тарж. Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. – Т., 2003. 530 б.; Фаҳруддин Али Сафий. رشحات عين الحيات Рашаҳоту айни-л-хаёт. Обихаёт томчилари. Тарихий-маърифий асар. – Т., 2004. 534 б. (Бундан кейин: «Рашаҳот».Тошкент, 2004.); «Рашаҳот».Муъийнийон, 1977.

²³ Ньёматов М. С. «Рашаҳоту айнил-хаёт» Фаҳруддина Али Сафи и его литературно-мистическое значение: 10.01.03. Автореф. ... дисс. канд.фил....наук. –Худжанд, 2009. –144 с.

²⁴ Умурзоқов Б.С. Алий Сафийнинг илмий-адабий мероси ва «Рашаҳот айн ал-хаёт» асарининг қиёсий-текстологик тадқиқи. 10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. ... автореф. – Т., 2019. 62 б.

²⁵ Умурзоқов Б.С.Мавлоно Фаҳруддин Алий Сафийнинг илмий-адабий мероси ва «Рашаҳот айн ал-хаёт» асарининг қиёсий-текстологик тадқиқи. Монография. – Т., 2019. 203 б.

²⁶ Умурзоқов Б. «Рашаҳот айн ал-хаёт» («Хаёт булоғидан томчилар») асари матни, нодир нусхалари, таржималари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари. Монография. – Т., 2020. ТошДШУ. 264 б.

²⁷ Фаҳруддин Алий Сафий ибн Хусайн Воиз Кошифий. «Рашаҳот айн ал-хаёт» асари автограф нусхаси – Факсимиле. Жизнь и научно-литературное наследие Фахр ад-Дина Али Сафи Херави ибн Хусейна Кашифи. Автограф рукописи «Рашаҳат айн ал-хайат» («Капли родника жизни»). Fahrhad-Din Ali Safis scientific-literariheritage. Autographic his work «Rashahat ayna-l-hayat». – Т., «Nurafshon business», 2020. – 300 б.; Фаҳруддин Алий Сафий ибн Хусайн Воиз Кошифий. «Рашаҳот айн ал-хаёт» асари автограф нусхаси – Факсимиле. 1, 2, 3-қисмлар. – Т., ТошДШУ, 2021. – 600 б;

²⁸ Фаҳруддин Али Сафий «Рашаҳот» факсимили.– Т.: Колорпак, 2022. – 462 б. (тираж: 11 дона). Нашрга тайёрлаганлар: ф.ф.н. Ю.Турсунов, ф.ф.н. О.Жўрабоев. // Forwarded from OzR FA / Fan – Jamiyat.

Санаб ўтилган ишларга қарамай, «Рашаҳот» асари матн тарихини, «Рашаҳот» асарининг янги аниқланган кўлёмаларини ўрганиш, «Рашаҳот» асарининг Техрон нашри қиёсий-тадқиқи, «Рашаҳот»нинг нодир нусхалари асосида мукамал матнини тайёрлаш тамойиллари, «Рашаҳот» асари таржималари кўлёмалари тадқиқи, асардаги манзумаларнинг ва Хожагон тариқати ибораларининг герменевтикаси, Алий Сафийнинг бадиий маҳорати масалалари чуқур илмий асосларда тадқиқ этилган эмас. Буларнинг барчаси асар бўйича янги илмий изланишлар олиб боришга йўл очади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассаса илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Адабий манбашунослик, матншунослик, шарқ кўлёмаларини ўрганиш масалалари», «Шарқ халқлари адабиётларининг қадимий ёзма манбалари, уларда акс этган қадимий шарқ тафаккури ва маънавий мероси масалалари» мавзуидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Алий Сафий Ҳиравийнинг асарлари рўйхатини қайта шакллантириш, «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» («Ҳаёт булоғидан томчилар») асари мўътабар кўлёмаларини ва асар таржимаси кўлёмаларини тадқиқ этиш, асарнинг қадимий нусхалари матни билан Эрон нашри матнини ўзаро чоғиштириш, «Рашаҳот» автографи ва нодир нусхалари асосида асарнинг мукамал илмий матнини тайёрлаш, «Рашаҳот»нинг бадиий жихатдан эътиборга лойиқ ижод намунаси сифатида шарқ мумтоз адабиёти ва тасаввуф манбалари орасида тутган ўзига хос ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Алий Сафий Ҳиравийнинг тўлиқ илмий биографиясини ёритиш, илмий-адабий мероси бўйича тўпланган илмий натижаларни эса танқидий ўрганиш, ижодкорнинг янги асарларини топиш ва уларни тавсиф ҳамда тадқиқ этиб, илмий муомалага киритиш;

«Рашаҳот» асарининг юртимиз ва хориж фондларида мавжуд қадимий кўлёмаларини топиб ўрганиш ва энг нодир нусхаларини тадқиқот ишига жалб этиш ҳамда «Рашаҳот» асарининг мукамал илмий матнини тузиш;

«Рашаҳот» асарининг араб ва усмонли-турк тилларига таржималари кўлёмаларини ўрганиш ва тавсифлаш;

«Рашаҳот» асарининг Тошкент ва хориж фондлари фихристларидаги ва электрон каталогларидаги тавсиф-маълумотларини ўрганиш;

«Рашаҳот» асарида қўлланган шеърӣ санъатлар, адабий илмлар мисолида Алий Сафийнинг насрий ва назмий маҳорат қирраларини очиб бериш;

«Рашаҳот» асарининг қадимий нусхалари асосида замонавий ўзбек тилига янги илмий-оммабоп таржимасини тайёрлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Рашаҳот» асарининг янги аниқланган кўлёмалари, араб ва усмонли-турк тилларидаги таржималари, «Рашаҳот» асарининг Техрон нашри, дунё фондлари ҳамда замонавий электрон каталоглардаги «Рашаҳот» кўлёмаларининг тавсифлари белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини «Рашаҳот» асарининг нодир қўлёзма нусхаларининг қиёсий-матний тадқиқи, шунингдек, асарнинг матн тарихи, таржималари, герменевтикаси, асар бадиияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида қиёсий-матний, тавсифлаш, индуктив ва герменевтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Алий Сафийнинг фаолияти ва илмий-адабий меросига доир янги маълумотлар топилиб, «Фаҳрий» таҳаллуси билан ҳам ижод қилгани, моҳир хаттот бўлгани далилланган ҳамда унинг шу кунгача маълум бўлмаган асари – «Тухфа-и Хоний» («Султон Хонийга тухфа») қўлёзмаси, «Дех» (ато қил) радифли ғазали илмий муомалага киритилган;

хориж (Туркия) ҳамда юртимиз (ЎзР ФАШИ) электрон-кутубхоналарида берилган «Рашаҳот» асарининг электрон-тавсифларига кўра мавжуд хатоликлар кўрсатилган ҳамда «Рашаҳот» асарининг чет эл кутубхоналаридан (Эрон, Туркия, Миср, Ҳиндистон, Франция, АҚШ) 14 та янги қўлёзмаси аниқланиб, асар автографи матнини тасдиқлайдиган янги нодир қўлёзма топишга эришилган;

«Рашаҳот»нинг илмий-танқидий матни (А.А. Муъийнийон, 1977) асар автографи ҳамда бошқа нодир қўлёзмалари билан қиёсланиб, мазкур Техрон нашрининг асар автографи матнига мувофиқ эмаслиги исботланган;

«Рашаҳот» таркибидаги манзумаларда шеърий санъатлар, насрий ўринларда эса балоғат ва фасоҳат, сажънинг барча турлари муваффақиятли қўллангани жиҳатидан асарнинг бадиий жиҳатдан юксак даражадаги ижод намунаси эканлиги, Алий Сафийнинг адабий ва шеърий санъатлар борасида юксак истеъдод эгаси бўлгани исботланган;

«Рашаҳот» матни яралиш тарихига кўра асар ёзилиши жараёнида энг кўп қайси манбанинг таъсири бўлган, деган муаммонинг илмий ечими очикланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилар билан белгиланади:

«Рашаҳот» асари манбашунослик ва герменевтик тадқиқи, матн тарихи, асар таржималарига доир қўлёзмаларнинг аслият (автограф матни) билан қиёсий-матний тадқиқи, «Рашаҳот»да бадиий маҳорат масалалари тадқиқи юзасидан икки қисмли монография нашр қилинган;

Алий Сафий Кошифий Ҳиравийнинг фаолияти, илмий-адабий мероси кенг қамровда, махсус талқин этилган;

«Рашаҳот» асари матншунослик ва адабий манбашунослик йўналишида комплекс илмий таҳлил доирасига тортилган;

«Рашаҳот» асарининг мукамал илмий матни тайёрланган;

Хожагон манбалари матнларини ўрганишнинг назарий муаммолари ва уларнинг талқинларига оид мезонлар ишлаб чиқилган;

Алий Сафийнинг шеърий санъатлар ва адабий илмлар борасидаги адиблик маҳорати ўрганилган, «Рашаҳот» матни бадиият масалалари тафсилотли ўрганилган ва мазкур тадқиқот натижалари хорижий ва халқаро илмий журналларда илмий мақолалар шаклида чоп этилган.

«Рашаҳот» асарининг манбашунослик ва герменевтик тадқиқи орқали олинган натижалар шарқ мумтоз адабиётининг сара намуналаридан бўлган «Рашаҳот» асарининг кам ўрганилган жиҳатларини (асар аслияти, асардаги

шеърӣй ва насрий санъатлар ҳамда адабий илмларни) билиш борасида муҳим илмий-назарий маълумотлар беради, олинган илмий-назарий маълумотлар адабиётшунослик ва матншунослик фанлари, хусусан, шарқ мумтоз адабиёти бўйича яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини матншунослик ва адабий манбашуносликда назарий асосланган илмий хулосалар, тадқиқот мавзусига оид даврий ва соҳавий нашрлар, «Рашаҳот» асарининг Тошкент қўлёзма фондлари (ЎЗР ФА ШИ, ЎЗР ФА ДАМ, ЎЗМИК)да ва хориж (Россия, Миср, Туркия, Эрон) қўлёзма асарлар кутубхоналарида сақланаётган нусхаларидан фойдаланилгани, шунингдек, замонавий Электрон Каталоглар – ЎЗР ФА ШИ электрон каталоги - «Al-Biruni Institute of Oriental Studies» (Тошкент), «Париж Миллий кутубхонаси қўлёзмалари» фонди (Франция), «Малик Файсал номидаги исломий манбалар кутубхонаси» фонди (Саудия Арабистони), Принстон университети (АҚШ Princeton University Libraries) кутубхонаси, «İSAM Kütüphanesi» (Ислом қўлёзмалари маркази. Туркия) электрон кутубхона базаларидаги мавжуд маълумотларни ва «Рашаҳот» асарига доир барча тавсифларни тадқиқотга жалб қилингани, диссертацияда қўйилган вазифаларни ҳал қилишнинг апробацияси, тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади. Шунингдек, диссертация натижаларининг ишончлилигини тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот методлари ҳам тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Алий Сафий Ҳиравий Кошифий фаолияти, илмий-адабий мероси кенг қамровда, махсус талқин этилиши; «Рашаҳот» асарининг матншунослик ва адабий манбашунослик йўналишида комплекс илмий таҳлил доирасига тортилиши, ижодкорнинг бадиий маҳорат масалалари анъана ва янгилик муносабати борасидаги тадқиқот натижалари шарқ мумтоз адабиёти тадқиқини янада бойитишга илмий-назарий манба бўла олиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти келгусида Алий Сафий асарлари матншунослигига оид тадқиқотлар, «Рашаҳот» асарининг академик ва оммабоп нашрларини амалга ошириш, асарга оид курс ва семинарлар ташкил қилишда ҳамда олий таълим муассаларининг манбашунослик ва матншунослик бўйича қўлланмалар, ўқув адабиётларини тайёрлашда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алий Сафийнинг фаолияти, илмий-адабий мероси ва унинг «Рашаҳот» асарининг манбашунослик ва герменевтик тадқиқи, ижодкорнинг бадиий маҳоратини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

«Рашаҳот» асарининг янги аниқланган қўлёзмалари тавсифлари ва тадқиқи билан боғлиқ илмий тадқиқот натижаларидан ПЗ-20170920167 «Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланаётган тошбосма асарларнинг электрон каталогини яратиш ва нашрга тайёрлаш» амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ФАнинг 2020 йилнинг 13-январдаги 3/1255-101-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ЎЗР ФА Давлат Адабиёт музейи фондидаги тасаввуфий, жумладан «Рашаҳот» асарининг босма

нусхаларини самарали илмий тавсиф қилишга ва Давлат Адабиёт музейи фондидаги босма китоблар каталогини нашрга тайёрлашга хизмат қилган;

«Рашаҳот» таржималарининг тил хусусиятлари ва матн тузиш анъаналарига доир маълумотлар ва натижаларидан ОТ-Ф1-71 рақамли «Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этно-лингвистик вазият (2017-2020)» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9-декабридаги 89-03-5140-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотдаги маълумотлар Марказий Осиё бўйича ёзма манбалардаги маълумотлар ва уларнинг минтақа адабий жараёнларига таъсири, ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этник жараёнлар, шарқ тилларининг ўзаро таъсири ва туркий тилда матн тузиш анъаналарининг шаклланиши каби масалаларни ёритиб беришга хизмат қилган;

«Рашаҳот» асарининг хориж фондларидаги қўлёзмалари тавсифлари тадқиқи билан боғлиқ илмий тадқиқот натижаларидан БА-1-047 рақамли «Термизлик алломалар асарлари каталогини тайёрлаш ва нашр қилиш» амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ФАнинг 2020 йилнинг 13-январдаги №3/1255-101-сон маълумотномаси). Натижада ушбу диссертация натижалари ва маълумотлари Ўзбекистон қўлёзма фондларида сақланаётган термизлик олимлар (умумий ҳисобда 34 нафар) асарлари қўлёзмаларининг нусхаларини тавсифлашда, мазкур қўлёзмаларни матншунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этишда, термизлик алломалар асарлари нусхалари матнларини қиёсий-текстологик таҳлил этишда қўл келган ҳамда лойиҳа ишининг самарали бўлишига хизмат қилган;

«Рашаҳот» нусхаларини тавсифлаш ва нодир қўлёзмалари матнларини ўрганишга доир маълумотлар ва натижаларидан ПЗ-20170930393 рақамли «Алишер Навоийнинг «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги ғазалларнинг ўзбек ва инглиз тилларида илмий изоҳ ва шарҳларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9-декабридаги 89-03-5140-сон маълумотномаси). Натижада мазкур тадқиқот маълумотлари ва натижалари Навоий ижодига оид қўлёзма асарлар нусхаларини тавсифлаш ва ғазалиёт қўлёзма нусхалари матнини ўрганишга ва нашрга тайёрлаш ишида ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилган;

тадқиқотнинг «Рашаҳот» таржималари қўлёзмалари, асар манзумалари ва Хожагон тариқати асос-қоидаларининг герменевтик тадқиқига доир илмий маълумотларидан, «Рашаҳот» асарининг қадимий нусхалари тадқиқи илмий таҳлили натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги 2017 йил 11 июлдаги Ф-4988-сон Фармойишининг ижроси юзасидан Бухоро шаҳрида барпо этилган Хожа Муҳаммад Баҳоуддин зиёратгоҳи мажмуаси илмий-тадқиқот маркази ишларини самарали юритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмитанинг 2022 йил 26 июлдаги 02-06/6013-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотчининг нақшбандия тариқати асос-

қоидалари талқинларига доир илмий кузатишлари мазкур илмий-тадқиқот маркази павилионларида фото-экспозиция ишлари ҳамда кўлэзма манбаларга оид материаллар кўргазмаларининг юқори самарадорлини таъминлаган ва ёшларимизни миллий, умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларга аждодимиз ишларидан фахрланиш имконини берган;

«Рашаҳот» асарининг матн тарихи тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар, тадқиқотчи томонидан нашр этилган монографиялардаги илмий маълумотлардан Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан нашрга тайёрланган «Мовароуннаҳрлик ўн мутасаввиф» туркумидаги рисоаларни яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 29-июлидаги 01/146-сон маълумотномаси). Тадқиқот илмий натижаларининг амалиётда қўлланилиши кенг жамоатчиликда юртимиз тасаввуф тарихи, тариқатлар ҳамда улар намояндаларининг тасаввуфий-ахлоқий қарашлари, тасаввуфнинг бугунги кунда ёш авлод тарбиясидаги амалий аҳамияти ҳақидаги тушунчаларнинг тўлақонли ва ижобий томонга шаклланишига имкон яратган;

Хожагон тариқатига доир маълумотлар, Хожагон машойихлари ҳикматлари ҳамда асардаги манзума (шеър)ларнинг ўзига хослиги ва уларнинг манбалари, талқинлари юзасидан олинган хулосалардан «Маданият ва маърифат» телеканалда эфирга узатилган «Бухоролик етти пир» махсус телекўрсатувларини тайёрлашда, «Маҳалла» радиоканалида эфирга узатилган «Маърифий суҳбатлар» туркум эшиттиришларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий теле-радиокомпанияси «Маданият ва маърифат» давлат унитар корхонасининг 2020 йил 16-сентябрдаги 01-40/860-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатувлар илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савияси ошган, радио-эшитувчиларга шарқ адабиётида кенг тарқалган маънавий-ахлоқий ва тасаввуфий йўналишдаги асарлар мазмун-моҳияти, хусусан, эфир орқали халқимиз ўртасида тарихимизнинг мумтоз жиҳатларини, шарқона ва миллий кадриятларимизни таъсирчан, кенг тарғибот қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 4 та илмий-амалий анжуманлар, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 та монография, Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосида илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола нашр этилган, шундан 8 таси республикада, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми – адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари – 257 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларининг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **«Алий Сафий Ҳиравий мероси ва «Рашаҳот» асари тадқиқининг назарий-методологик асослари»** деб номланган. Унда Алий Сафий Кошифий Ҳиравий (ваф. 939/1532)нинг илмий-адабий мероси таҳлили ва ижодкор фаолиятининг янги қирралари, Алий Сафий қаламига мансуб янги топилган кўлёмалар ҳақида сўз юритилади.

Ушбу бобнинг *«Ҳожагон манбалари ва «Рашаҳот» асарининг шарқ мумтоз адабиётидаги аҳамияти»* деб номланган биринчи параграфда Алий Сафий ижоди ва «Рашаҳот» асари мисолида турли адабий асарларни ва турли муаллифларни қиёслаб ўрганиш асосида уларнинг шахси ва илмий-адабий меросига ҳам муносабат билдириш, адабий жараёнга ижодкорларнинг ўзларининг кўзлари билан қараш масаласи, мусулмон халқлари адабиёти назарияси ва поэтикасини ўрганиш, бадий адабиёт ҳодисасини тўғри тушуниш, унинг хусусиятларини теран англаш, ўзига хос поэтик анъанани, мумтоз ва тасаввуфий адабиётнинг ўзига нисбатан муносабати ва талабларини эътиборга олиш кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Мазкур параграфда шарқ мумтоз адабиёти асарларини, жумладан, Ҳожагон тариқати манбаларини ўзининг маданий анъанаси контекстида ўрганиш, яъни асар аслиятига омонатдорлик билан ёндошган ҳолда холис тадқиқ ва тўғри талқин қилиш масаласи олдинга сурилган.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи *«Алий Сафий Ҳиравий илмий-адабий мероси манбалари таҳлили»* деб номланган бўлиб, унда ота ва ўғил Кошифийларнинг ҳаёти, фаолияти ва асарлари рўйхатига замонавий тадқиқотлардаги маълумотларга танқидий ёндошган ҳолда комплекс тадқиқ этилган, икки ижодкорни чалкаштириш борасидаги нотўғри маълумотларга аниқлик киритишга эришилган. Алий Сафийнинг *«Фахрий»* (فخرى) тахаллуси билан ҳам асарлар битгани ва шу ном билан машҳур бўлгани аниқланган.

Алий Сафий ҳаёти ва ижоди тадқиқ этиш бошланганидан то шу кунгача – бу охиригача етмиш йилдан ортиқроқ даврни ташкил қилади - ижодкор ижоди тадқиқига бағишланган барча тадқиқотларда Алий Сафийнинг асарларини қуйидагилар ташкил этади, дейилган: 1. «Рашаҳоту айни-л-ҳаёт» («Ҳаёт булоғидан томчилар»), 2. «Латойиф ат-тавойиф» («Ажойиб лутф сўзлар»), 3. «Анис ал-орифин» («Ориф зотларнинг ҳамроҳи»), 4. «Ҳирз ал-амон мин фитан ал-замон» («Замона фитналаридан халос бўлиш учун омонлик чоралари»), 5. «Фараснома-и Сафий» («Сафийнинг от ҳақидаги достони»), 6. «Одоб ал-асҳоб» («Биродарлик одоби ёки Биродарлар учун одобнома китоби»), 7. «Лавоих ал-

қамар» («Ойнинг кўринишлари»), 8. «Манзума-и Махмуд-у Айоз» («Махмуд ва Аёз ҳақида шеърий дoston»), 9. «Асрор-и Қосимий» («Қосимийнинг сирлари»).

ЎЗР ФА ШИ 2621-рақамли қўлёзмани ўрганиш натижасида юқоридаги рўйхатдаги «Асрор-и Қосимий» асари Алий Сафийга эмас, унинг отаси аллома – Мавлоно Хусайн Воиз Кошифий қаламига мансуб экани аниқланди.

Тожикистонлик олим М. Неъматов «Алий Сафийнинг бадиий-эстетик қарашлари» номзодлик ишида алломанинг Тожикистон ФА қўлёзмалар институти фондида «Луғат-и Алий Сафий» («Алий Сафийнинг сўзлиги») асари қўлёзмаси борлигини айтган²⁹, аммо у ўз тадқиқотида ушбу асарнинг номи ва сақланиш жойидан бошқа ҳеч қандай маълумот бермаган. Шу боис ушбу параграфда «Луғат-и Алий Сафий» асари тўлиқ тавсифланган ва тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг учинчи параграфи «*Алий Сафийнинг янги топилган асарлари тавсифи*» деб номланган бўлиб, унда ишнинг илмий янгилиги сифатида шу кунгача хориж ва юртимиз манбашунослариға маълум бўлмаган серқирра ижодкор – олим, воиз, тазкиранавис, шоир, луғатнавис Алий Сафий Ҳиравий қаламиға мансуб топилмалар – ижодкорнинг Тошкент қўлёзма фондларидан ЎЗР ФА ШИ хазинасидаги янги аниқланган қўлёзма асарларининг тавсифи амалға оширилган ва ушбу асарлар тадқиқ қилинган ҳолда илмий муомалаға олиб кирилган:

1. «Тухфа-и Хоний. ал-Кошифий» («Хонийға тухфа. Кошифий») (تحفةء خانى ، الكاشفى), ЎЗР ФА ШИ. Қ.№ 2621/П. Алий Сафийнинг мазкур, яъни «Тухфа-и Хоний» асари тибб, муҳораба, муҳофаза ва бошқа кўплаб соҳаларға тааллуқли ажойиб маълумотларни, тажрибаларни, уларнинг натижалари баёнини ўз ичига олган.

2. («Ғазал-и Мавлоно Фахруддин Алий мутахаллас ба-Сафий») (غزل مولانا فخر الدين علي متلخص بالصفى). Проф.Х.Сулаймонов фонди. 1023 инв. рақам остида сақланаётган «Мажмуъа-и баёз»нинг 140а-140б варақ хошияси. Ушбу манзума «*Илоҳо, дар диёр-и меҳнатам ҳашмат паноҳе деҳ, Зи дарду доғ-и шиқам тож-у тахт подишоҳе деҳ!..*» байти билан бошланган «Деҳ» (Ато қил!) рафидли ғазалдир. Мазкур асарлар ижодкор илмий мероси рўйхати янги асарлар билан бойиб боришиға далолат қилмоқда.

3. Мавлоно Жомий қаламиға мансуб «Шарҳ-и Фусус ал-ҳикам» (شرح فصوص الحكم) асарининг Алий Сафий томонидан китобат қилинган (қўчирилган) нодир қўлёзмаси (ЎЗР ФА ШИ № 520) аниқланган. Ушбу қўлёзма 265 варақ (530 саҳифа)дан иборат бўлиб, у Алий Сафийнинг моҳир хаттот, саводли котиб сифатида ҳам самарали фаолият юритганиға, Абдурахмон Жомийнинг хос котиби бўлганиға ҳам далолат қилади.

Иккинчи боб «**«Рашаҳот» асарининг матншунослик ва манбашунослик тадқиқи**» деб номланган. Биринчи параграф «*«Рашаҳот» асари матн тарихи тадқиқи*» деб номланган бўлиб, унда, аввало, адабий манбанинг матн тарихи унинг автографи, таҳрир нусхалари (асарнинг биринчи, иккинчи ва учинчи таҳрир вариантлари), савияси турлича бўлган котиблар томонидан китобат қилинган қўлёзма нусхалари ҳамда замонавий нашрлари (таржима ёки табдил нашри)дан иборат бўлиши ҳақида сўз боради.

²⁹ <http://cheloveknauka.com/rashahotu-aynilhaet>.

Матн яралиши тадқиқи ижодкор мақсадини англашга ва уни тўғри тушунишга ёрдам беради. Алий Сафий «Рашаҳот» асарини яратишда Шайх Фаридуддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби салафларининг асарларидан унумли фойдаланган. Бироқ Алий Сафийнинг талқин қилиш усуллари, келтирилган маълумотларнинг ва ҳикоятларнинг ранг-баранглиги, асарда улардан чиқарилган хулосаларда анчайин фарқ қилувчи ва Алий Сафийнинг ижодкорлиги билангина боғлиқ бўлган жуда кўп жиҳатлар мавжуд.

Алий Сафий баён этган ҳикматлар, турли-туман ажойиб ирфоний ҳикоятлар, қуръоний иқтибослар ва ҳадиси шарифларнинг барчаси асар моҳиятини ёрқин очиб бериш мақсадига йўналтирилган бўлиб, натижада асар сюжети ва унинг композицион тузилиши ижодкор томонидан илгари сурилаётган асосий маърифий ғояни мужассамлаштирган, ўзига хос ижодийлик ва бадийлик намунасига айланган.

«Рашаҳот» асарининг яратилишида «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Мақомоти Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний», «Васиятномаи Хожа Абдулхолиқ», «Мақомоти Саййид Амир Кулол», «Мақомоти Хожа Алий Ромийтаний», «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд», «Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор», «Фаслу-л-хитоб», «Рисолаи қудсия», «Маноқибби орифийн», «Мақомоти Хожа Аҳрор», «Мақомоти Абдурахмон Жомий», «Нафоҳот», «Насойим», «Хамсату-л-мутаҳаййирин» каби асарлар бевосита илк манба вазифасини ўтаган бўлса-да, аммо «Рашаҳот»даги ҳар бир маълумот, ҳикоят, ривоят, нақл ижодкор томонидан «рашҳа» сарлавҳаси остида бадий жиҳатдан қайта ишлангани маълум бўлди.

Мазкур бобнинг «*«Рашаҳот» асарининг янги аниқланган қўлёзмалари тадқиқи*» деб номланувчи иккинчи параграфда «Рашаҳот»нинг Эрон, Миср, Туркия ва Ҳиндистон қўлёзма фондларидан янги аниқланган 14 та қўлёзмаси, асар автографи ва ЎзР ФА ШИ фонди қадимий нусхалари асосида қиёсий-матний тадқиқи амалга оширилган. Натижада «Рашаҳот»нинг Эрон, Ҳиндистон, Миср ва Туркия фондлари қўлёзма нусхаларида ҳам кўплаб ўринларда матний камчиликлар мавжуд экани маълум бўлди ва мазкур қўлёзмалардаги барча хатоликларни бартараф этиш имконига эга бўлинди.

2019 йилда «Рашаҳот»нинг хорижлик олимлар назаридан четда қолиб келаётган жами 139 та қўлёзма нусхалари борлиги аниқланган ва улардан 11 та нодир нусха илк бор муфассал илмий тавсифланиб, илмий муомалага киритилган эди.³⁰ Тадқиқотнинг ушбу параграфда хориж фондларидан «Рашаҳот» асарининг янги аниқланган 14 та нодир қўлёзма нусхаси тўлиқ тавсифланган ҳолда тадқиқ этилди.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи «*«Рашаҳот» асарининг Техрон нашри тадқиқи. «Рашаҳот»нинг мукамал илмий матнини тайёрлаш тамойиллари*» деб номланган. Мазкур параграфда «Рашаҳот» илмий-танқидий матни (Муъийнийон, 1977) нашри ЎзР ФА Давлат адабиёт музейи фондидаги № 33/II инв. рақамли автограф, асарнинг қадимий нусхалари – ЎзР ФА ШИ №№10147, 5418, мўътабар нусхаси - Техрон, КМШМ №8201 (26458) қўлёзмаси ҳамда оддий нусхалари матнлари билан қиёслаб ўрганилган. Натижада А.А. Муъийнийон илмий-

³⁰ Қаранг: Умурзоков Б. С. Фахруддин Алий Сафийнинг илмий-адабий мероси ва унинг «Рашаҳот айни-л-ҳаёт» асарининг қиёсий-текстологик тадқиқи. 10.00.10. – Матншунослик ва адабий манбашунослик (филология фанлари). Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. ... автореф. - Т., 2019.

танқидий матнининг китобат санаси қадимий бўлмаган нусхалар асосида амалга оширилгани, мазкур нашрнинг «Рашаҳот» автографи, қадимий нусхалари, мўътабар нусха ва оддий нусхалари матни билан жиддий фарқлари мавжуд эканлиги кўрсатиб берилган.

Шунингдек, «Рашаҳот» қўлёзмаларини қиёсий тадқиқ ва таҳлил қилиш натижасида асар матнининг мукамал илмий матнини тайёрлашга эришилган. Бунда танланган қўлёзма нусхаларнинг мукамаллиги, уларни кўчирган котибларнинг билим даражаси, маҳоратининг юқори бўлиши ҳам ўта аҳамиятли омиллардан эканлиги маълум бўлган. Албатта, «Рашаҳот» асарининг янги, ишончли илмий матнини тайёрлашда муаллиф дастхат нусхасининг ўрни беқиёсдир.

Асарни иккита асосий ва учта ёрдамчи қўлёзма асосида қиёсий тадқиқ этиш асарнинг аслият матнини тиклашга самарали таъсир қилган. Бу қўлёзма манбаларнинг асар автографи билан солиштирилиши эса ўз навбатида ёрдамчи қўлёзма нусхаларнинг ҳам, ҳақиқатан, қадимий ва ишончли нусхалар эканлигини исботлаган.

Учинчи боб **««Рашаҳот» таржималари қўлёзмалари, асар манзумалари ва Хожাগон асосларининг герменевтик тадқиқи»** деб номланади. *««Рашаҳот» қўлёзмаларининг тавсифлари тадқиқи»* деб номланган мазкур бобнинг биринчи параграфи Тошкент ва хориж қўлёзма фондлари каталогларидаги «Рашаҳот» асари тавсифларининг комплекс тадқиқига бағишланган. Тадқиқот натижасига кўра, хориж (Россия, Туркия, Эрон) қўлёзма асарлар кутубхоналари каталог нашрларида, шунингдек, замонавий Электрон Каталоглар – ЎзР ФА ШИ Шарқшунослик институти Электрон Каталоглари – «Al-Biruni Institute of Oriental Studies» (Тошкент), «Париж Миллий кутубхонаси қўлёзмалари» фонди (Франция), «Малик Файсал номидаги исломий манбалар кутубхонаси» фонди (Саудия Арабистони), АҚШ Принстон университети (Princeton University Libraries) кутубхонаси, «İSAM Kütüphanesi» (Ислом қўлёзмалари маркази. Туркия) электрон кутубхона базаларидаги «Рашаҳот» тавсифларида хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланган.

Юқорида номлари келтирилган каталогларда, шунингдек, қўлёзма фондлари картотека карточка (варақа)ларидаги «Рашаҳот» тавсифларида асарнинг Хусайн Воиз Кошифийга (ваф. 910/1504) нисбат берилгани аниқланган, тадқиқотда мана шу каби янглиш маълумотларга аниқлик киритилган ва мазкур камчиликларнинг тузатилиши тавсия қилинган.

Иккинчи параграф *««Рашаҳот»нинг арабча, усмонли-туркча таржималари тадқиқи»* деб номланган бўлиб, унда, асосан, хориж фондларидан янги аниқланган «Рашаҳот»нинг араб ва усмонли-турк тилидаги ўғирмалари қўлёзмалари ўрганилган. Чунончи, Қоҳира кутубхонаси қўлёзмалар бўлими картотека-қайдларида «Рашаҳот» асари нусхалари сифатида қайд этилган: 2009, 3457-рақамли қўлёзмаларнинг тадқиқот натижасида асарнинг араб тилига таржимаси экани (таржимон – Тожиддин ибн Закариё ибн Султон ал-Абшамий ал-Умавий ал-Усманий) маълум бўлди. Шунингдек, «Рашаҳот»нинг замонавий арабча таржимаси литографик нашри – Шайх Мурод Қозоний ўғирими экани аниқланиб, мазкур арабча таржималар матни асар аслияти – автограф матни билан қиёсланган ҳолда илк бор илмий тадқиқ этилди.

Учинчи параграф «*«Рашаҳот» герменевтикаси, асар манзумалари ва Хожгагон асос-қоидаларининг талқинлари*» деб номланган. Унда герменевтика, унинг пайдо бўлиши, замонавий герменевтиканинг муҳим масалаларига доир қарашлар ҳақида, шунингдек, шарқда охириги минг йилликда илмий ва адабий асарларининг изоҳ ва талқини сифатида пайдо бўлган ва анъанага айланган тафсир, таъвил, шарҳ, шарҳни шарҳ, шарҳга ҳошия, такмила (асар таржимаси ва тўлдирмаси) каби қадимий услублар хусусида, «Рашаҳот» асаридаги манзумаларнинг тушунилиши, изоҳланиши ва талқини масалалари, асар матнидаги арабий киритмаларнинг турлари ва Хожгагон тариқати асосларининг талқинлари ҳақида сўз юритилган.

Ўтган асрнинг ўрталарида герменевтика тушунишнинг фалсафий назариясини англатадиган бўлди. Фалсафий герменевтиканинг асосларини Ф.Шлейермахер, В.Дильтей, М.Хайдеггер, Э.Бетти, Ч.Г.Гадамер, П.Рикер ва Ю.Хабермас асарларида кўриш мумкин. Бутунги кунда матн ёки унинг маълум қисмида мавжуд бўлган фикр мавҳумлиги – тушунарсизлигини бартараф этиш герменевтиканинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, тасаввуфий асарлар матнларида берилган тушунчалар, фикр ва ғоялардаги мавҳумлик ва мураккабликларнинг ечими учун ҳам герменевтик методга муҳтожмиз. Матн герменевтикасида шу вақтгача асосий эътибор асар матнини изоҳлашга ва талқин қилишга қаратилган. Асарнинг яратилиши, матнни қайта ишлаш жараёнлари – муаллиф таҳрир нусхалари манбашунослик тадқиқи ҳам қисман бўлсада, бу масалага, яъни герменевтик тадқиққа тааллуқли ҳисобланади. Мазкур жараёнлар (қадимий матн тадқиқи) ижодкорнинг мақсадини, сўнгра унинг асари мукамал кашф қилинишини – ижодкор ҳамда асарининг тўлиқ тушунилишига ва тўғри талқин қилинишига хизмат қилади.

Қўлёзма фондларида «Рашаҳот»нинг турли даврларда турли диёрларда китобат қилинган юздан ортиқ нусхалари бор. Замонавий тадқиқотчилар охириги юз йилликда аввал «Рашаҳот»нинг тошбосма нашрларидан ва ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан бошлаб то шу кунгача Эрон нашри (Муъийнийон, 1977)дан истифода қилиб келишмоқда. Асарнинг энг қадимий қўлёзмаси, нодир нусхалари матни билан мазкур тошбосма нашрлар ва Эрон нашри матни ўртасида жиддий фарқлар мавжудлиги ҳисобга олинса – матн герменевтикаси асарни тушуниш, изоҳлашдир, дея қабул қилинган тушунча нуқтаи назаридан – ўзгаришга учраган (хато ва чалкаш ўринлари кўп бўлган) қайси матн билан «Рашаҳот»ни ҳаққоний изоҳлаш ва тўғри талқин қилиш мумкин, деган савол туғилади.

Тадқиқот натижасига кўра, «Рашаҳот» автографи матни ва асарнинг янги аниқланган (Техрон – «Кутубхонайи мажлиси шўройи миллий» қўлёзмалар бўлими қўлёзмаси (№8201 (26458))) матни асосида (чунки бу икки қўлёзманинг матни «Рашаҳот»нинг қадимий ва энг ишончли матнларидир) асарни талқин қилиш керак бўлади.

Шарқ мумтоз шеъриятида, шунингдек, ўзбек мумтоз адабиётида манзумалар бир неча турларга бўлинади. Масалан, ғазалларнинг «ишқи мажозий» (мажозий ишқ, яъни дунёвий севги, муҳаббат), «май-чоғир, бода» ва «ишқи ҳақиқий», (ҳақиқий ишқ, яъни Илоҳий ишқ, «ирфоний») турлари мавжуд. Одатда манзума тили рамзийлик касб этган бўлади, яъни унда келтирилган рамз ва тимсоллар

ранг-баранглик хусусиятига эга бўлади. Шарқ мумтоз адабиёти ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти шеърятининг ўзига хослиги ҳам ана шунда. Масалан, шеърда келтирилган бирон рамз, айтайлик, «Матлуб» (مطلوب) рамзи. Бу сўз манзумада аниқ бир инсон шахсига қаратилган бўлиши мумкин, бунда «ўртоқ, дўст, биродар» маъносида тушунилади. «Матлуб» (مطلوب) ишқий рамз сифатида «ошиқ, маъшук» маъносида бўлиши ҳам мумкин, бунда фақат «севгили» маъносида тушунилади. Ирфоний ва мажозий маънода эса «Ҳаққ таоло, Тангри таоло» назарда тутилган бўлади.

Манзуманинг таркибида келган сўзларнинг луғавий маъноси, мажозий маъносига кўшимча бир неча ирфоний маънолари ҳам бўлиши мумкин. Манзумадаги бу маънолар ўртасидаги ўзига хослик ва мутаносиблик, биринчидан, шеърнинг бадий ижод жиҳатидан юксаклигини, иккинчидан, ижодкорнинг истезодди ва маҳорати беқиёслигига, маъно-мазмун теранлигининг кенг кўламлигига далолат қилади.

بيت مرغان جمن بهر صباهی
خوانند ترا باصطلاحی³¹

Мазкур байтнинг зоҳирий маъноси: «Эй севгилим! Ҳар тонгда чаманзордаги кушлар сени ҳар хил номлар билан куйлашади», деб талқин қилинади. Бундан шундай маъно чиқади, «Эй, дилдор! Сенинг номингни айтиб куйлаш нафақат менинг, балки кушларнинг ҳам ишидир. Улар ҳам сени турли номлар ила мақтаб куйлайдилар».

Ирфоний маънода: «*Хонанд туро ба истилоҳе*» (сени ҳар хил номлар билан ёд этишади – куйлашади)дан мурод – Ҳаққ таолони ёд этиш, яъни зикр қилишдики, зикруллоҳ қалбнинг жилоси, Ҳақ таолонинг ризосини топишга сабабдир. Қуръони каримда бу ҳақда: «Албатта, қалблар фақат Аллоҳнинг зикри билан таскин топади, хотиржам бўлади. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг зикри улуғдир!» дейилган.

Байтнинг иккинчи маъноси, зокирнинг зикруллоҳ сабаб Ҳаққ таоло даргоҳида мақом топиши, демак. Зеро, «Мени зикр қилингизлар, Мен ҳам сизларни зикр қилгум!» ҳадиси қудсийси тақозосига кўра, биз Сени ёд этдик, Сен ҳам фазлинг ила бизни ёд эт – раҳматингга, мағфиратингга лойиқ айла!» дегани. «Рашаҳот»да баён қилинишича, Хожа Азизон – Алий Ромитаний ҳузурида бир киши: «Ошиқон ҳар ду ийд кунанд!» (Ошиқлар ҳар лаҳзада икки байрам қилурлар!) деди. Шунда Хожа Азизон – Алий Ромитаний ўша одамга айтдиларки: «Ошиқон ҳар лаҳза сеҳ ийд кунанд!» Ҳалиги киши ҳайрон бўлди ва: «Қанақасига?» деб сўради. Ул зот жавоб бердиларки: «Ҳаққ таолони ёд этмоқ Ҳаққ таолонинг изни ила насиб бўлур, бу биринчи ийд (байрам). Ошиқнинг ўз Парвардигорини ёд қилиши бу иккинчи ийд. Ҳаққ таоло Ўзини ёд этган бандасини, албатта, ёд этгайки ва бу ҳақ ваъдадир, бу учинчи ийд!»

Шу маълумотга биноан, ушбу байт: «Парвардигоро! Ҳар тонг, ҳар саҳар, ҳар эрталаб чаманзор кушлари Сени ҳар хил номлар билан ёд этадилар. Мен ҳам худди улар кабидирман: ҳар тонг Сени Сенинг изнинг ила ҳар хил номларинг – маъноси чиройли исмларинг (Асмоу-л-хусно) ила ёд этурман ва мен Сенинг

³¹ ЎЗР ФА ДАМ. Қ.№33/П. - Б.8 б.

Ўқилиши: Байт: Мурғони чаман ба ҳар сабоҳе, ...
Хонанд туро ба истилоҳе.

розилингни тилайман. У ҳолда мен ожиз банданг Сенинг ёд этишинг бахтига мушарраф бўлай!», деб талқин қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

مانند مرغى باش هان بر بيضهء دل باسيان
کز بيضهء دل زايدت مستى و وصل و قهقهه³²

Ушбу байтнинг зоҳирий маъноси: «Қуш ўз тухумини қўриқлагани мисоли сен ҳам дилингни қўриқловчи, кузатгувчи бўл. Чунки ундан сармастлик, висол ҳамда шодлик дилда пайдо бўлади», деб талқин қилинади.

Бироқ байтда зоҳир маъно назарда тутилмаган. Чунки киши ўз дилини ҳар қанча қўриқлагани билан, ундан моддий бир нарса пайдо бўлмайди.

Бу байтнинг ирфоний маъноси: *байзай-и дил* (дил тухуми) – бу назаргоҳи Илоҳий бўлган кўнгил, дил, қалбдир. Ҳаққ таолонинг ошиғи бўлган муваҳҳид инсон ўз қалбини эътиборсиз, назоратсиз қолдириш асло дуруст эмас. Аксинча, у ўз қалбини пок тутишга, поклашга ҳар он, ҳар дақиқа ҳаракат қилиши керак. Шундан келиб чиқиб мазкур байтни: «Қуш ўз уясига тухум қўяди ва уни бағрида иссиққина тутиб, тун-кун қўриқлайди, ниҳоят вақти келиб, ана шу тухумдан жўжа пайдо бўлади. Эй, Ҳаққ таолонинг ошиғи! Эй Ҳаққ таоло розилигини тилаган инсон! Қуш мисоли сен ҳам ўз дилингни мудом қўриқловчи, кузатгувчи бўл – қалбингни покла, уни зикруллоҳ ила жилолантир. Агар шундай қилсанг, дил тухуминг самара беради: дилингда, қалбингда маънавий сармастлик, висол ҳамда шодлик пайдо бўлади ва сен Ҳаққ таоло розилигини топасан», деб талқин қилинади. Хожাগон тариқатида мақсадга етишиш учун очлик ва бедорлик каби оғир риёзат йўли эмас, зикр йўли танланган, рухсатлар эмас, азимат йўли ихтиёр қилинган. «Рашаҳот»да келтирилган манзумаларнинг зоҳирий маъноси эмас, уларнинг ирфоний маънолари бирламчи ва асосдир. Алий Сафийнинг «Рашаҳот»да юзлаб манзумани келтиришидан муроди ҳам аслида маърифатдир ва бу маърифатга ирфоний талқин орқали эришилади.

«Рашаҳот» асарида бадий маҳорат масалалари» деб номланган тўртинчи бобда асардаги шеърий матнлар ва уларда ижодкор томонидан қўлланган шеърий санъатлар, адабий илмлар тафсилотли тадқиқ этилган.

Биринчи параграфи *«Рашаҳот»даги шеърий матнлар таҳлили*» деб номланган. «Рашаҳот» асари шарқ мумтоз адабиёти бадий насрининг етук намунаси бўлишига қарамай, шу кунгача асардаги шеърий жанрлар ва санъатлар алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган. Алий Сафий истеъдодли шоир сифатида ўз асарининг шаклини ва мазмунини бойитишда шеърий жанрлардан ва санъатлардан унумли фойдалангани аниқланди.

«Рашаҳот»да 179 та шеър мавжуд.

«Мақола» қисмида турли жанрлардаги 106 та назм (шеър) келтирилган бўлиб, улар жами 212 байтни ташкил қилади.

«Муқаддима»да муаллиф қаламига мансуб 3 байт (6 мисра) мавжуд ва у маснавий жанрида ёзилган. «Мақола» қисмида эса жами 107 та шеър келтирилган, булардан 4 таси ғазал, 3 таси қасида, қолганлари қитъа ва рубоий жанрларида ёзилган шеърлардан иборат. «Мақсад-и аввал» деб номланган биринчи фасл (яъни, биринчи боб)да келтирилган шеърлар сони 7 та, байтлар сони 13 та бўлиб,

³² ЎзР ФА ДАМ. رشحات Қ.№ 33/II. – Б.14 б.

Ўқилиши: Байт: Монанд-и мурғе бош ҳон бар байзай-и дил посбон,...
К-аз байзайи дил зойадат мастий-у васл-у қаҳқаҳа.

улар жами 26 мисрани ташкил этган. Бу қисмда ўндан ортиқ шахс вафотига бағишлаб ёзилган рубоий-шеърлар мавжудлиги аниқланди. Улар «таърих» деб номланган. Мазкур шеърлар ажойиб таърих намуналаридир.

Асарнинг «Мақсад-и дуввум» деб номланган иккинчи бобида мавжуд шеърлар жами 47 та бўлиб, улар 94 байт (188 мисра)дан иборат. Бу шеърлардан 6 таси фард (бир мисрадан иборат шеър) жанрига оид, қолган шеърлар қитъа ва рубоий жанрларида ёзилган манзума (шеър)лар экани аниқланди.

«*Рашаҳот*» асарида қўлланган шеърӣй ва бадӣий санъатлар» деб номланувчи иккинчи параграфда «Рашаҳот» манзумаларида қўлланилган шеърӣй санъатлар ҳамда адабий илмлар ҳақида сўз юритилган.

«Рашаҳот» асарида келтирилган шеърларда қўлланган *тажнис*, *тавзеъ*, *тарсеъ ва иштиқоқ* каби лафзий санъатлар асар тилини равон, фикрни лафзан оҳангдор, жозибали жаранглашини таъминлаб, ўқувчи ва тингловчига эмоционал завқ бериш, маълумотнинг ёдда қолишини осонлаштиришга хизмат қилган.

Асарда *илтифот*, *таъдил*, *жамъ ва тақсим*, *таносуб*, *мутобақа*, *иқтибос* каби санъатлар мазмунни ёритиш, маъно таъсирини ошириш воситаси сифатида қўлланилган.

«Рашаҳот» асарида араб тилида битилган шеърлар ҳам мавжуд. Масалан, «Рашаҳот»нинг «Ҳазрат Маҳдумнинг Ҳижоз сафари зикри баёнида» арабий байтлар келтирилган³³. Бу эса Алий Сафӣйнинг моҳир адиблигига, унинг араб тилида ҳам шеърлар ижод қилганига, бу хусус унинг *зу-л-лилсонайн шоирлигига* далолат қилади.

«Рашаҳот»да Алий Сафӣй адабий илмлардан ғоят ўринли фойдаланган, натижада асар бадӣияти ўзига хос шакл ва мазмун гўзаллигини юзага келтирган.

Бадӣий нутқда мақолдан фойдаланиш ҳам санъат ҳисобланади. Бу санъат «*ирсолу-л-масал*» ёки «*ирсол-и масал*» деб номланади. Борди-ю икки масал бирдан келтирилса, унга «*ирсолу-л-масалайн*» дейилади. Алий Сафӣй «Рашаҳот»да мақоллардан ўринли фойдаланган.

«Рашаҳот» асарида ифода-баён, илмий мазмун ёрқинроқ ифодаланиши учун *хусн-и таълил*, *жамъ ва тақсим*, *лафф-у наир*, *нидо*, *иқтибос*, ва бошқа шу каби бадӣий санъатлардан ўринли фойдаланилган.

«Рашаҳот» асари муқаддимасида муаллиф бадӣий санъатлардан энг аввало «*Бароат-и истиҳлол*» (براعة الإستهلال) санъатини моҳирона қўллаган. Яъни, ижодкор ўз асарини моҳирлик, сўзга чечанлик билан бошлаган. Бунда унинг мухотаб (суҳбатдош, китобхон)нинг илк бошданоқ диққатини тортадиган, калом (сўз, гап)га ва умуман, асарга қизиқиш уйғотадиган балоғатли жумлалар тузгани катта аҳамият касб этган. Зеро, *ибтидо* (бошланиш)нинг энг яхшиси «*бароат-и истиҳлол*»га эга бўлган *калом* (жумла)дир. Аслини олганда бу бадӣий санъат, яъни «*хусн-и таълил*» Қуръони карим услубидир.

Назм ва насрга ўзгача жозибадорлик бағишлайдиган, асар муаллифининг ижодкорлигини, адиблигини белгилайдиган, қалам соҳибининг ўзига хос қобилият ва услуб эгаси эканлигига далолат қиладиган хусуслардан яна бири *баён илми* ҳисобланади. Ижодкор баён илмининг турларидан унумли фойдалана олса, ана шунда муваффақиятга эришади.

³³ Рашаҳот. – Т., 2004. – Б.195, 197.

«Рашаҳот» асарида ижодкор *ташбиҳ, мажоз, истиора, киноя* каби баён илмининг турларидан ҳам ғоят ўринли фойдаланганини кўриш мумкин.

«Рашаҳот» асарининг, айниқса, «Дебоча» ва «Муқаддима» қисмларининг бошланиши балоғат ва фасоҳатнинг энг сара намуналаридан ҳисобланади.

4 бобнинг «*Рашаҳот*»да *сажъ ва унинг турлари*» деб номланувчи учинчи параграфи ижодкорнинг «Рашаҳот» асарида балоғатли калом туза олиш маҳоратини қанчалик ёрқин намоён этганини аниқлашга бағишланган. *Сажъ* усулларидан фойдаланган ҳолда ёзилган бу асар, бошдан-охир ижодкорнинг улкан истеъдоди, юксак билимига очик далолат қилади.

Сажъ санъати, яъни лафздошлик ўз ичига бўғиндошлик ва товушдошлик тушунчаларини олади.

Сажънинг *мутавозин, мутарраф, музориъ, лоҳиқ, қалб, томм (масриҳ), таркиб* каби турлари мавжуд.

«Рашаҳот» матни жумлаларида сажънинг мазкур турларига кўплаб мисоллар мавжуд:

Мутавозин бу сажъ ҳосил қилаётган калима (сўз)ларнинг вазнда мутаносиб, аммо товушда фарқ қилишидир. Масалан,

الحمد لمن رشّ رشحات الحقايق و الحرّم على قلوب العرفين بفيضه الأقدس الأقدم والصلوة على المظْهر

الأتمّ و أوْيتُ جوامع الكلم ليكمّل بها طوائفَ الأمم و السلام على آله و أصحابه مفاتيح الكرام و مَصابيح الظلم ---³⁴

Жумласида келтирилган қуйидаги сўзлар каби: «ал-Ҳикам» (الحكم) ва «ал-ақдам» (الأقدم); «ал-атамм» (الأتمّ) ва «ал-умам» (الأمم); «мафотих» (مفاتيح) ва «масобих» (مصابيح); «ал-карам» (الكرام) ва «аз-зулам» (الظلم).

Бу калималар янгроқдош оҳангдош лафздошлиқдан иборат бўлиб, улар юқоридаги жумлада сажъ ҳосил қилган сўзлардир. Мазкур калималар вазнда мутаносиб бўлса-да, аммо товушда бир-биридан фарқ қилади.

Сажъ-и мутавозий. Сажънинг бу турида оҳангдош, қофиядош ва тенг ҳижоли калималар ишлатилади. Алий Сафий «Рашаҳот»да *мутавози сажъ* қўллаган жумлалар талайгина. Масалан:

صحرا فراخست، اى بيسر، تو كوشهء، ما كوشهء،

همجون ملخ ل كشت شه، تو خوشهء، ما خوشهء³⁵

Сахро фароҳаст, эй писар, ту гуша-и, мо гуша-и,

Ҳам-чун малах³⁶ аз кишт-и шаҳ, ту хуша-и, мо хуша-и.³⁷

Мазкур байтдаги «ту гуша-и, мо гуша-и» (تو كوشهء، ما كوشهء) ва «ту хуша-и, мо хуша-и» (تو خوشهء، ما خوشهء) ибораларидаги калималар мутавози сажъ қўлланган ажойиб намуналардир.

Алий Сафий «Рашаҳот» аввалида «*ҳусн-и таълил*»га интиланган. *Ҳусн-и таълил* бу шундай санъатки, шоир ва ёки адиб шеърининг ва ёки асарининг биринчи байтини, биринчи жумласини табиий, ғоят гўзал ва фавқулудда янги шаклда ифодалашга интилади. Бунда у сийқа сўзлардан қочади, лафз ва маъно

³⁴ ЎзР ФА ДАМ. رشحات Қ.№ 33/П. – Б.1 б.

³⁵ ЎзР ФА ДАМ. رشحات Қ.№ 33/П. – Б.692 а.

³⁶ Хоразм таржимаси табдил нашрида бу сўз «малах» шаклида, хато ёзилган.(Қаранг: Рашаҳот. – Т., 2004. – Б.434)

³⁷ Таржимаси: Эй, ўғил, сахро кенг, ал-ҳол, сен бир четда, биз ҳам бир четда,

Шоҳ экинзоридан чигирткадек сен хушҳол бошоқ терурсан, биз ҳам хушҳол бошоқ терурмиз!

уйғунлигига эришгани учун байт (жумла) кулоққа ёқимли бўлади, қалбга таъсир қилади.

«Рашаҳот»да *мутарраф сажъ*нинг ҳам ажойиб намуналари ижод қилинган. *Мутарраф сажъ* ҳам сажънинг ўзига хос турларидан бири бўлиб, нобўғиндош равийдош лафздошликдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, калом (жумла)да калима (сўз)лар вазнда ва товушлар адади (сони)да фарқ қилади, бироқ калиманинг охирги ҳарфлари бири-бирига ўзаро мос бўлади. Масалан,

أما بعد جنين كويد فقير بى بضاعت و حقير خالى از إستطاعت على بن حسين الواعظ الكاشفى المشتھر
بالصفىّ ثبته على محبة أوليائه شرّ فه بكمال متابعة أصفياؤه كه جون بميامن أطفاف (6) إلهى و بركات
أعطاف نامتناهى در أواخر شهر ذى القعدة سنة تسع و ثمانين و ثمانينمأيه تقبيل (7) عتبه عليه و سده
سنيه حضرت ولايت منزلت هدايت منقبت قطب الكبراء المحققين و غوث (8) العظماء الموددين خواجه
ناصر الحقّ والحقيقه و الدنيا والدين عبيدالله رضى الله عنه و أرضاه إتفاق افتاد³⁸

Ушбу матн, яъни «Рашаҳот» асари «Дебоча»сидаги *мутарраф сажъ*га доир сўзларни қиёслаш учун уларни жумладаги ўрнига кўра солиштирма шаклда келтирамиз: «ҳақир» – «фақир» (حقير - فقير); «иститоат» – «бе-бизоат» (بى بضاعت - إستطاعت); «Кошифий» – «Сафий» (الكاشفى - الصفىّ); «ақлийоихи» – «асфийоихи» (أعطف - أطفاف); «илоҳий» – «номутаноҳий» (ولايت - ولايت); «ҳидойат» – «валойат» (هدايت - الكبراء); «манқабат» – «манзилат» (منقبت - منزلت); «узамоъ» – «кубароъ» (الموددين - المحققين); «разийаллоҳ» – «Убайдуллоҳ» (رضى الله - عبيدالله); «арзоҳу» – «анҳу» (رضاه - عنه); «судда-и санийя» – «утба-и алийя» (سده سنيه - عتبه عليه) кабилар.

«Судда-и санийя» – «утба-и алийя» (سده سنيه - عتبه عليه) *мутарраф сажъ*нинг қўшалок ёки кетма-кет ясалган шаклига ҳам мисол бўла олади. Ушбу мисолимизда ва умуман, «Рашаҳот»дан келтиришимиз мумкин бўлган яна бошқа ўнлаб ўринларда бадий воситаларни меъёрида, яъни ўқувчини зериктирмайдиган услубда мақсадни баён қила олиши Алий Сафийнинг, ҳақиқатан, юксак бадий маҳорат эгаси бўлганига далолат қилади.

Сажънинг *Сажъ-и мутарраф* турида қофиядошлик бўлади, бироқ у ҳижолари тенг бўлмаган турли калималардан ташкил топади, дедик ва юқорида «Рашаҳот» «Дебоча»сидаги насрий жумла мисолида унга мисол келтирдик. Энди асарда келтирилган назмий жумлага диққат қиламиз. Алий Сафий асарида «Ҳазрат Хожа Абу Наср Порсо раҳматуллоҳи таъоло зикри баёни»да Ҳазрат Хожа Муҳаммад Порсодан - қуддиси сирруҳу – мана бу байтни нақл қилган:

نمازرا بحقيقت فضى بود و لكن
زمان صحبت مارا قضى نه خواهد بود³⁹

Яъни, «намоз вақтида ўқилмаса, унинг қазоси бор, бироқ бизнинг суҳбатимизнинг қазоси йўқ, яъни ўз вақтида унга етишилмаса, кейин уни топиш имконсиз нарсадир», дейилмоқда.

³⁸ ЎЗР ФА ДАМ. رشحات Қ.№ 33/II. – Б. 1 б.

³⁹ «Намозро ба-ҳақиқат қазо бувад

ва лекин замони суҳбат-и мо-ро қазо на-хоҳад бувад!»

Таржимаси: Дарҳақиқат, намознинг қазоси бор,

Аммо биз суҳбат қилган вақтнинг қазоси эса йўқдир.

Мазкур байтнинг форсча матнида мутарраф сажъ қўлланилган. Афсуски, байтнинг тилимизга маъно таржимасида аслиятига зийнат бериб турган ушбу сажъ санъати турини қўллашнинг имкони йўқ.

Юқоридаги жумлаларда тажниснинг *тажнис-и музориъ* турига, яъни махражи бир-бирига яқин бўлган ҳарфлардан ташкил топган сўзларга ҳам мисоллар мавжуд. Масалан: «фақир» (فقير), «ҳақир» (حقير), «ал-муҳаққиқин» (المحققين), «ал-муваҳҳидин» (الموحدّين) каби.

Қуйидаги жумлаларда келган тажнис-и музориълар насрий жумлалар аро назмга хос бағоят чиройли оҳангдошликни ҳосил қилган ва айни чоғда жумланинг маъно-мазмун мукамаллигини ҳам таъминлашга хизмат қилган:

حضرت ايشان باستماع بعضى از خصايص و شمائل و مناقب (12) و فضائل خواجگان سلسلهء نقشبنديه
قدّس الله تعالى ارواحهم العليه كه همه وقت مذکور (13) ميكشتمشرف مى شد و بداراك طرفى از
معارف و حقايق بلند و لطايف و دقايق (14) ارجمند كه بيوسته بر زبان معجز بيان آنحضرت مى گذشت
مستسعد مى كشت و آن فوايد شريفه (15) و جواهر نفيسوا بامداد لطيفه ء مدرکه در صدف قوّت حافظه
كامثال اللؤلؤ المكنون مى برزرد ---⁴⁰

Мазкур матн ифодали ўқилса, калималар, лафзлар аро оҳангдошлик яққол сезилади ва қулоққа ёқимли эшитилиш билан бирга кишида ўқиётган шу асарга нисбатан бадий завқ уйғотади.

«Рашаҳот» асари «Дебоча»сидаги *тажнис-и музориъ*га доир мисолларни қиёслаш осон бўлиши учун улар ёнма-ён келтирилган:

«фазоил – шамоил» (فضائل -شمائل) ; «хасойис – маноқиб» (خصايص -مناقب);
«нақшбандиййа – ал-алиййа» (العليه -نقشبنديه); «дақойиқ – ҳақойиқ» (دقايق -حقايق);
«забон – байон» (بيان -زبان); «баланд – аржуманд» (ارجمند - بلند); «ме-гузашт – ме-
гашт» (مى گذشت - مى كشت); «нафийса – шарийфа» (شريفه - نفيسه);

Асар матнида келган *қўшалок ва занжирсимон тажнис-и музориъ*нинг чиройли намуналарига мисол: «латойиф – дақойиқ – ҳақойиқ» (دقايق -حقايق - لطايف); «дақойиқ аржуманд – ҳақойиқ баланд» (دقايق ارجمند - حقايق بلند); «фавойид-и шарийфа ва жавоҳир-и нафийса» (جواهر نفيسه -فوايد شريفه) каби.

Матннинг қуйидаги калималарида эса *муҳарраф тажнис* ҳосил қилинган: «ал-кубаро» (الكبراء) ва «ал-узамо» (العظماء).

«Рашаҳот» асари «Дебоча»сида *зу-л-тажнисайн*, яъни *қўшалок тажнис*нинг ажойиб намунаси мавжуд: «валоёт манзилат, ҳидойат манқибат» (ولايت منزلت هدايت منقبت); «мултамас аз толибон-и тарийқ ва соликон-и сабийл-и таҳқийқ» (ملتمس از طالبان طريق و سالكان سبيل تحقيق) каби.

Алий Сафий ўзига хос юксак ижод эгаси бўлган, у ижодда нафақат маноқиб жанрида ва устозларга тақлид борасида, балки адабий ва шеърый санъатларда ҳам янгилик қилишга интиланган. Юқорида келтирилган ўрнаклар, яъни *қўшалок тажнис-и музориъ*, *қўшалок тажнис* кабилар бунга мисол бўла олади.

Асар матнидан олинган қуйидаги мисоллар *сажънинг қалб турига* мисол бўла олади: «фақир» (فقير) ва «ҳақир» (حقير), «алтоф» (الطاف) ва «аътоф» (اعطاف).

Бунда сўзларда бир ёки икки ҳарфнинг ўзгартирилиши орқали сажънинг қалб тури ҳосил қилинган.

Лоҳиқ сажъ бу санъат ҳосил қилган лафзнинг товушларидан бири орасида фарқ бор, аммо уларнинг махражлари яқин бўлмайди.

⁴⁰ ЎзР ФА ДАМ. Ршҳат Қ.№ 33/П. – Б.3 а.

Юқоридаги мисол сажънинг лоҳиқ турига ҳам ўрнак бўла олади: «алтоф» (الطاف) ва «аътоф» (اعطاف) каби.

«Рашаҳот» муқаддимасида тажнис санъатининг мураккаб турларидан бири таркиб тажниси кўп қўлланган. Таркиб тажнисида лафзлардан бири одатда сўз бирикмасидан иборат бўлади. Аслида таркиб тажниси мураккаб бўлиб, асосан, икки турга, яъни муташобих ва мафруқ турларга бўлинади.

Сўзланган каломдаги ҳар икки лафзнинг ёзувда бир хил шаклга эга бўлмоғи муташобих таркибли тажнисга хос хусусият ҳисобланади: «дақойиқ аржуманд – ҳақойиқ баланд» (دقایق ارجمند - حقایق بلند), «валоёт манзилат, ҳидойат манқибат» (ولایت منزلت هدایت منقبت) кабилар.

ХУЛОСА

Алий Сафий Кошифий Ҳиравийнинг ҳаёти, фаолияти ва илмий-адабий меросини ўрганиш, «Рашаҳот» асари матн яралиш тарихини, янги аниқланган қўлёзмаларини ва таржималарини, асарни манбашунослик ва герменевтик тадқиқ қилиш асосида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. Фаҳруддин Алий Сафий Ҳиравий ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг фаолияти серқирра, илмий-адабий мероси рўйхати 9 тани эмас, балки янги топилган асарлари билан ҳозирча 12 та асарни ташкил қилади.

-Алий Сафий нафақат етук шоир, моҳир адиб, воиз, шунингдек, у луғатшунос, хос котиб ва хаттот бўлган.

-Алий Сафий «Фаҳрий» (فخری) таҳаллуси билан ҳам ижод қилган ва танилган.

2. Алий Сафий Кошифий Ҳиравийнинг Тошкент қўлёзма фондларида янги асарлари мавжуд: 1. «Тухфа-и Хоний. Кошифий» асари – ЎЗР ФА ДАМ фонди. Қўлёзма №2621/II); 2. «Илоҳо, дар диёр-и меҳнатам ҳашият паноҳе деҳ, ...» – «Илоҳо, тириклик диёримда менга улуғвор омонлик ато қил!.. » матлаъли ғазал – ЎЗР ФА ШИ №1023, 140 а –140 б варақ ҳошияси. «Ғазал-и Мавлоно Фаҳруддин Алий мутаҳаллас ба-Сафий»;

- Алий Сафийга нисбат бериб келинаётган «Асрори Қосимий» асари унинг отаси Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий қаламига мансуб.

2. «Рашаҳот»нинг қадимий қўлёзмаларини топиш учун манбашунослик тадқиқини давом эттириш лозим.

- Эрон, Туркия, Миср, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, АҚШ, Франция, Тошкент қўлёзма фондларида ва кутубхоналарида мавжуд «Рашаҳот» асарининг 14 та янги аниқланган қўлёзмаларидан тўрттаси нодир қўлёзмалар бўлиб, улар «Рашаҳот» автографи – ЎЗР ФА ДАМ қўлёзма №33/II матнини тўлиқ тасдиқлайди, қолган 10 қўлёзма эса «Рашаҳот» асарининг оддий нусхаларидир.

3. «Рашаҳот» қўлёзмалари: Тошкент дастхат нусхаси – ЎЗР ФА ДАМ №33/II ва Техрон – Кутубхонайи мажлиси шўройи миллий қўлёзмалар бўлими қўлёзмаси – №8201 (26458) матнлари «Рашаҳот»нинг барча қўлёзма нусхалари, тошбосма ва литографик нашрлари, шунингдек, асарнинг ўзбекча, арабча, усмонли-туркча таржималаридаги кўплаб хато ва чалкаш ўринларга аниқлик киритади;

4. «Рашаҳот»нинг илмий-танқидий матнида (А.А.Муъийнийон: 1977) «Рашаҳот»нинг қадимий (автограф), нодир ва мўътабар қўлёзмалари матнига мувофиқ бўлмаган матний фарқлар – кўплаб ўзгаришлар, чалкаш ўринлар

мавжуд. «Рашаҳот» асарининг қадимий ва нодир қўлёзмалари - ЎзР ФА ДАМ № 33/П, Техрон – Кутубхонайи мажлиси шўрои миллий қўлёзмалар бўлими қўлёзмаси – №8201 (26458), ЎзР ФА ШИ №№ 5418, 10147, 6164 қўлёзмалари матнлари асосида тузилган мукамал илмий матн мазкур илмий-танқидий матни нашри билан боғлиқ барча муаммоларни бартараф этади, «Рашаҳот» асарини тўғри талқин қилиш учун унинг ишончли, мукамал янги илмий матни нашри зарур.

5. «Рашаҳот»нинг қадимий, нодир ва мўтабар қўлёзмалари матнлари тадқиқи асар матни қандай яратилганини аниқлашга, ижодкорнинг мақсадини англашга ва асарнинг асл мазмун-моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Алий Сафий «Рашаҳот» асарини яратишда Шайх Фаридуддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби салафларининг асарларидаги услубдан унумли фойдаланган. Алий Сафийнинг баён ва талқинлари ўзига хос, у келтирган маълумотлар ва ҳикоятлар ҳам ранг-барангдир. Асар матни Алий Сафийнинг ижодкорлиги билан боғлиқ бўлган жуда кўп жиҳатларга далолат қилади;

- «Рашаҳот» асари матнининг яратилишида, асосан – «Нафоҳоту-л-унс» (Абдурахмон Жомий), «Насойиму-л-муҳаббат» ва «Хамсату-л-мутаҳаййирин» (Алишер Навоий) асарлари, қисман эса – «Мақомот-и Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Мақомот-и Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний», «Васиятнома-и Хожа Абдулҳолиқ», «Мақомот-и Саййид Амир Кулол», «Мақомот-и Хожа Алий Ромийтаний», «Мақомот-и Хожа Баҳоуддин Нақшбанд», «Мақомот-и Хожа Алоуддин Аттор», «Фаслу-л-хитоб», «Рисола-и қудсия», «Маноқиб-и орифин», «Мақомот-и Хожа Ахрор», «Мақомот-и Абдурахмон Жомий» каби асарлар манба вазифасини ўтаган;

- «Рашаҳот»даги ҳар бир маълумот, ҳикоят, ривоят, нақл ижодкор томонидан «рашҳа» сарлавҳаси остида бадиий жиҳатдан қайта ишланган. Алий Сафий Хожагонийларнинг тарихи, фаолиятлари, ҳикматлари бўйича маълумотларни ўз даври талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўзининг дунёқарашига мослаштирган. Ижодкор ўзининг салафлари асарларини ўз асарига асос қилиб олиш билангина чекланмай, адабий илмлардан ҳам ғоят унумли фойдаланган ва ўзига хос насрий асар яратиш орқали шарқ мумтоз адабиётининг маноқибнавислик ривожига улкан ҳисса қўшган;

- «Рашаҳот» асари шарқ мумтоз адабиётида маноқибнавислик ва тазкиранавислик анъанасини ривожлантиришга хизмат қилган. «Тазкира-и Тоҳир Эшон», «Матлабу-т-толибин» каби тазкира жанридаги асарлар «Рашаҳот» таъсирида ёзилган.

7. Асарнинг тўғри талқин қилинишини таъминловчи муҳим омиллардан бири ўша асарнинг манбашунослик тадқиқини тўлиқ ва мукамал амалга оширишдир. Алий Сафийнинг илмий-адабий мероси ва асарларининг Тошкент қўлёзма фондлари - ЎзР ФА ШИ, ЎзР ФА ДАМ, ЎзМИКда картотекаларидаги «Рашаҳот» асарининг тавсифларига доир маълумотларда чалкашликлар, хато қайдлар мавжуд. Каталогларда ижодкорнинг шоҳ асари «Рашаҳот» бошқа ижодкорга, яъни ижодкорнинг отаси Ҳусайн Воиз Кошифийга нисбат берилган.

- замонавий Электрон Каталог (ЭК)лари – «Париж Миллий кутубхонаси қўлёзмалари фонди» (Франция), «Малик Файсал номидаги исломий манбалар кутубхонаси фонди» (Саудия Арабистони), АҚШ Принстон университети

кутубхонаси, «İSAM Kütüphanesi» (Ислом кўлёмалари маркази. Туркия) электрон кутубхона базаларидаги маълумотларга кўра Франция, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Эрон, Миср, Ҳиндистон ва Покистон кўлёмма фондлари ва кутубхоналарида «Рашаҳот» асарининг кўлёмма нусхалари мавжуд;

- ЭКлардаги «Рашаҳот» асари тавсифларида жиддий хатоликлар мавжуд.

8. «Рашаҳот» асари Алий Сафийнинг шеърий санъатлар ва адабий илмлар борасидаги юксак маҳоратининг самараси ҳисобланади. «Рашаҳот» асарида Алий Сафий томонидан *луғат* (сўзнинг тилдаги мутлақ жиҳати) илми, *сарф* (сўзнинг ўзгариши) илми, *шитиқоқ* (сўз ясаши) илми, *наҳв* (сўзларнинг гаплардаги таркиб қоидалари) илми, маъоний (балоғат ва фасоҳат) илми, *баён* (ташбиҳ, мажоз, истиора, киноя каби услублар) илми, *аруз* (назм вазнлари) илми, *қофия* (мисраларнинг ҳамоҳанг қилиб тугатиш қоидалари) илми, *инио* (турли мактуб, рисола, хужжатлар ёзиш қоидалари) илми, *шеър фарзи* (шеърга баҳо бериш илми, танқид, баҳолаш илми), *муҳораза* (тарихий воқеа ва ривоятлардан, салафларнинг сўз ва адабий асарларидан ўз ўрнида оқилона фойдалана билиш илми, устозлар йўлида ижод қилиш) ва *расму-л-хат* (ёзув санъати, ҳарф шакллари ва имло билими) каби *адабий илмлар* моҳирона кўлланган;

- Алий Сафий баён этган талқинлар, ҳикматлар, турли-туман ажойиб ирфоний ҳикоятлар, қуръоний иқтибослар ва ҳадиси шарифларнинг барчаси асар моҳиятини ёрқин очиб бериш мақсадига йўналтирилган. Асар сюжети ва унинг композицион тузилиши Алий Сафий томонидан илгари сурилаётган асосий маърифий ғояни мужассамлаштирган. «Рашаҳот» асари мазмун ва шакл уйғунлашган ўзига хос ижодийлик ва бадиийлик намунасидир;

- Алий Сафий анъанавий манокібнависликни ривожлантиришда ўзига хос новаторлик йўлидан борган, у «Рашаҳот»да лафзий санъатлар ва адабий илмларнинг энг мураккаб турларини кўллаган ҳолда юксак бадиий савиядаги асар яратишга муваффақ бўлган. Адабий санъатларнинг бутун асар бўйлаб моҳирона кўлланилгани «Рашаҳот»нинг машҳур манокіб асарга айланишига ва Хуросон, Мовароуннаҳр, Туркистон, Рум, Ҳижоз каби кенг жуғрофий минтақада кўплаб китобат ва таржима қилинишига сабаб бўлган;

9. «Рашаҳот» бадиияти тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар, илмий-назарий хулосалардан адабиётшунослик, матншунослик ва манбашунослик фанлари бўйича яратиладиган дарслик ҳамда кўлланмаларда фойдаланиш керак, «Рашаҳот» автографи ва энг қадимий кўлёмма нусхалари асосида асарнинг ишончли илмий матнини нашр қилиш зарур ҳамда замонавий ўзбек тилига асарнинг янги илмий-оммабоп таржимасини тайёрлаб, нашр этиш лозим.

«Рашаҳот» асарининг хориж ва юртимиз кутубхоналаридаги кўлёмма манбаларини ўрганиш натижалари келгусида ҳар бир кўлёммани алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганишни тақозо этади. Бу асарнинг матний тил хусусиятлари тилшунослик тарихида, бадииятига кўра адабиётшунослик, ҳикматлар ва ирфоний қарашлар баёнига кўра тасаввуфшунослик, матний жиҳатдан матншунослик фанлари кўламида ўрганилиши ўзбек илм-фанини мазмундор тадқиқотлар билан бойитади. Янги кўлёмма манбаларнинг илмий муомалага олиб кирилиши шарқ мумтоз адабиёти ва мумтоз бадиий адабиётдаги тасаввуф мавзусидаги асар қисмлари ва тариқат масалаларини тўғри талқин қилишга йўл очади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

УМУРЗОКОВ БАХРИДДИН САФАРОВИЧ

**ПРОИЗВЕДЕНИЕ АЛИ САФИ ХИРАВИ «РАШАХОТ»:
ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ ТЕКСТА, ПЕРЕВОДЫ, СРАВНИТЕЛЬНО-
ТЕКСТОЛОГИЧЕСКОЕ И ГЕРМЕНЕВТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ**

10.00.10 – Текстология и литературное источниковедение

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора филологических наук (Dsc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии за № B2020.4.DSc/Fil264.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета www.tsuos.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Официальные оппоненты:

Исломов Захиджан Махмудович,
доктор филологических наук, профессор

Шодмонов Нафас Намозович
доктор филологических наук, профессор

Рахимов Камилжан Рахматович
доктор исторических наук

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы им. Алишера Навои**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2023 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном университете востоковедения (Адрес: 100047, Ташкент, улица Шахрисабзская, 16. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsous.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета востоковедения (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100060, Ташкент, улица Амира Темура, 20. Тел: (99871) 233-45-21.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2023 года

(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2023 года).

А.М. Маннонов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
филол.наук, профессор

Р.А. Алимухамедов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
филол.наук, доцент

К.Ш. Омонов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор филол.наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (DSc) наук)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В современную сложную для человечества эпоху, когда в мире стремительными темпами развиваются глобализация и интернет, происходит непримиримая идеологическая борьба, даже ожесточенные столкновения между могущественными государствами – центрами силы, одной из актуальнейших задач становится необходимость передачи большой силы гуманизма и миролюбия, показанных в произведениях восточной классической литературы в качестве самой возвышенной идеи и высшей цели для благополучия наших будущих поколений, будущего всего человечества.

В мире существует множество книг манокиб-тазкира, написанных средневековыми мастерами слова, но мемуарно-литературные произведения, созданные в Хорасане и Мавераннахре, во многих экземплярах переписывались и переводились не только в Средней Азии, но и в исламском мире, включая Египет, Рум (Турция), Индию, Хиджаз. Этот факт свидетельствует о том, что наши предки обладали мощным научным и творческим потенциалом. Одним из редких источников является «Рашахоту айни-л-хайат» («Капли из источника жизни»)¹ Фахруддина Али Сафи Кошифи Хирави, талантливого представителя гератской научной и литературной школы. Произведение опубликовано в новое время, но в связи с различиями между текстом данного издания и древними копиями произведения - автографами и подлинными копиями, в настоящее время ощущается необходимость текстуального, источниковедческого и герменевтического исследования «Рашахот».

В идущем по пути обновления Узбекистане создаются широкие возможности для изучения научного наследия великих деятелей. С каждым годом приобретает особое значение осуществляемое на основе рукописных источников углубленное текстоведение и литературоведческое источниковедение. Этот процесс является результатом возведения в нашей стране изучения научного и литературного наследия наших предков на уровень государственной политики. Необходимость «уделять особое внимание научным исследованиям, направленным на раскрытие многих пластов нашего национального культурного наследия в областях текстологии, литературоведческого источниковедения, языкознания, философии и истории культуры»² как приоритетному и важному направлению является причиной дальнейшего увеличения научных исследований в этих областях.

Данная диссертация в определенной степени служит выполнению Указа Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», ПП-126 от 10 февраля 2022 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы сохранения и исследования древних письменных источников» и при

¹ Далее: «Рашахот».

² Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-2995 от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы сохранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» . (См.: <https://lex.uz/docs/3211987>); Мирзиёев Ш. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, катъят билан ҳаракат қилайлик. //«Халқ сўзи» газетаси, 2017 й. 16-июль, 119 (6813). – Б.1.

выполнении задач, определенных в иных нормативных правовых документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Научное исследование таких суфийских произведений, как тезкире и манакиб, осуществляется в ряде мировых научных центров и высших образовательных учреждений, таких как Indiana University of Bloomington (США), University of Cambridge (Англия), University of Bonn (Германия), Институт востоковедения РАН (Россия) University of Tehran (Иран), İstanbul Üniversitesi (Турция), Jawaharlal Nehru University (Индия), Baki Dövlət Universiteti (Азербайджан), Ходжендский государственный университет (Таджикистан), Институт востоковедения АН РУз, Ташкентский государственный университет востоковедения и Гулистанский государственный университет (Узбекистан).

В результате исследований, проведенных на основе сведений из произведения «Рашахоту айни-ль-хаёт» («Капли из источника жизни»)⁴, получен ряд следующих научных результатов: исследована британская рукописная копия произведения «Рашахот» (University of Tehran); исследовано изложение в произведении «Рашахот» процесса постепенного формирования одиннадцати положений тариката Накшбандия (University of Tehran); осуществлены исследования, посвященные переводу произведений манакиб на западноевропейские языки (University of Cambridge); исследовано изложение в произведении «Рашахот» возникновения и этапов развития учения Накшбандии (АН Таджикистана).

В настоящее время исследование произведений классической восточной литературы, в частности, произведения Али Сафи Кошифи Хирави «Рашахот» осуществляется в следующих приоритетных направлениях: исследование истории создания произведения «Рашахот» посредством таких новых методов, как сравнительный анализ (comparative analysis), статистический анализ (statistical analysis) содержательный анализ (content analysis); составление наиболее надежного научного текста произведения «Рашахот»; создание новых научно-популярных изданий произведения «Рашахот» на основе его перевода и текстологического анализа.

³ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации осуществлен на основе следующих источников: <http://cheloveknauka.com/rashahotuaynilhaet>; <http://ktp.isam.org.tr/url=ktpgenel/findrecords.php>; http://scam.beruni.uz/arabic_reader/index.php; https://dlib.nyu.edu/aco/book/princeton_aco003931/1lang=ar; <https://t.me/erfanceeslami1>; http://www.uchzap.tj/yandex.uz/maps/org/khujand_state_university_named_after_academician_b_gafurov; <https://uz.yell.owpages.uz/korxonaguliston-davlat-universiteti> <https://www.indiana.edu>, www.cam.ac.uk, www.uni-bon.edu, www.spbu.ru, ut.ac.ir/en, www.istanbul.edu.tr, www.jnu.ac.in, www.bsu.edu.az и других.

⁴ Далее в тексте название произведения приводится кратко, как «Рашахот».

Степень изученности проблемы. В работах таких зарубежных ученых, как А.А.Муьийнийон⁵, А.Г.Маьони⁶, М.Холланд⁷, М.З.Кутку⁸, И.Гундуз⁹, У.Турар¹⁰, Н.Тусун¹¹ представлены краткие сведения об историческом периоде, в котором жил Али Сафи, его деятельности и творчестве. Сущность и содержание произведения «Рашахот», интерпретация правил поведения в тарикате и прохождение духовного пути рассмотрены в научно-просветительских работах таких ученых – знатоков в своей области, как Мухаммад Саноуллох Пани-Патий¹², Мавлоно Холид Багадади¹³, Мухаммад Зоҳид Бурсави¹⁴, проф. М.А.Жушон¹⁵, Ходжи Ахмаджон Махдум¹⁶, Махмуд Устаусмонугли¹⁷, Зулфикор Накшбанди¹⁸.

Существуют современные издания таких крупных произведений Али Сафи, как «Рашахот», «Латойиф ат-тавойиф»¹⁹.

Литографические и современные издания произведения «Рашахот» широко использованы в научных исследованиях известных отечественных источниковедов и литературоведов²⁰.

К произведению Али Сафи «Рашахот» в своих исследованиях и публикациях много раз обращались такие русские ученые²¹, как В.В. Бартольд,

⁵ رشحات عين الحيات تأليف: مولانا فخر الدين علي صفى بن حسين الواعظ الكاشفي، ، مجموعه متون قديم و احوال دانشمندان و 2536/1977 بامقدمه و تصحيحات و حواشى و تعليقات دكتور على اصغر معينيان ، جلد اول و جلد دوم تهران عارفان

⁶ لطايف الطوايف تأليف: مولانا فخر الدين علي صفى بن حسين الواعظ الكاشفي، 1373 /1953 بامقدمه و تصحيحات و حواشى و تعليقات دكتور احمد كلجين معانى ، تهران

⁷ Rashahot – Beads of Dew from the Sorce of Life. Translated, edited and annotated by Holland Muhtor. – London, 2001. (Перевод на английский язык на основе османско-турецкого перевода Рашахот.)

⁸ Kotku Mehmed Zahid. Nefsin terbiyesi – Abdulhalik-ı Gujduvanının nasihatları. – Istanbul-Fatih, 1994. 166 s.

⁹ Gunduz Irfan. Gümüshanevi Ahmed Zıyauddin k.s. – Nakşbendiyye Prensıbları.– Istanbul, 1984.336 s.

¹⁰ Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. 180 б.

¹¹ Tosun Necdet. BAHAEDDİN NAKSBEND. Hayatı-Görüşleri-Tarikatı. – Istanbul: İnsan yayınları, 2012. 463 s.

¹² Irshod al-murid. Muhammad Sanoullloh. Lohur 2001. – S. 41.

¹³ Mevlane Xolid Bagdaiy. Al-Odob. – Istanbul-Fatih, 1997. – S. 131 .

¹⁴ Kotku Mehmed Zahid. Nefsin terbiyesi. – Istanbul-Fatih, 1994. – S. 133 .

¹⁵ Josan M A. Ilmiy makaleler . – Istanbul, 2001, 5-baski. – S. 226.

¹⁶ Хожи Ахмаджон Махдум Накшбандий. Рисолат-у-л-комила фий қазои-л-фоита (Қазо намозларни ўқиш лозим эканлиги ҳақида муқамал рисола). - Т.: «Мовароуннаҳр» нашр., 1997. - 64 б.

¹⁷ Ustausunoglu M. Irshod al-muridin. –Istanbul-Fatih, 2020,5-baski. – S. 426.

¹⁸ شيخ دو الفقار النقشبندی اداب الطريقة النقشبندية ، لاهور-2011 ، ص 51

¹⁹См.:

لطائف الطوايف تأليف: مولانا فخر الدين علي صفى بن حسين الواعظ الكاشفي، 1373 /1953 بامقدمه و تصحيحات و حواشى و تعليقات دكتور احمد كلجين معانى ، تهران

ص424

²⁰ Султон И. Баҳоуддин Накшбанд абадияти. –Т., 1984; Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVII вв. (Письменные памятники) / Отв. ред. У.И.Каримов. – Т., 1985; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор: Уйдирма ва ҳақиқат //Мулоқот, № 3-4. – Т., 1991; Абдуллаев И. Накшбандия – оламшумул таълимот // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент: 1993. - № 9-10. – Б. 55-5.; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. – Т., 1993.; Маънавият юлдузлари (илм. мақолалар тўплами). – Т., Маънавият, 1993. 42б.; Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. – Т., Маънавият, 1994. - 23 б.; Бўриев О., Ҳасанов М. Яъқуб Чархий. //Мулоқот. - 1995. - № 7-8. – Б. 42-44; Бўриев О., Ҳасанов М. Хожа Мухаммад Порсо//Буёқ сиймолар, алломалар. – Т., 1996. 2-китоб. – Б. 47-51; Холмўминов Ж. Хожа Мухаммад Порсо Бухорий. Ҳаёти ва фалсафий-ирфоний мероси. – Т., «Tafakkur tomchilari», 2021. – Б. 9-10.

²¹ Вяткин В.А. Изъ биографии Ходжи Ахрара. Перепечатано из № 147. «Туркестанские ведомости», за 1904 г.; Семенов А.А. Бухарский шейх Бахауддин (К его биографии). Восточный сборник в честь А.Н. Веселовского. – М.,1914. – С.202-211.; Бартольд В.В. История культуры мусульманства. – С.Петербург, 1918. – Б. 98; Веселовский Н.И. Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде / Восточные заметки. – С.Петербург, 1895.; Иванов П.П. Хозяйство джубарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XV-XVI вв. – М.: Издательство АН СССР, 1954. - 379с.; Гордлевский В.А. Бахауддин Накшбанд Бухарский. Избранные сочинения. – М.,1962.;

А.И. Болдырев, Н.И. Веселовский, В.А.Вяткин, В.А.Гордлевский, П.П.Иванов, Б.Казаков, А.А.Семенов, О.Р.Сухарева, А.А.Хисматулин, иранские ученые - исследователи суфизма, такие как А.А.Муъийнийон, А.Г.Маъоний, А.Зарринкуб²², М.Хусайний²³, турецкие источниковеды и исследователи тасаввуфа, такие как Ф.Купрулу²⁴, М.А.Жушон²⁵, И.Гундуз²⁶, У.Турар²⁷, Н.Тусун²⁸, Ҳ.Йилмаз²⁹, М. Uzсарay³⁰, узбекские востоковеды, источниковеды литературоведы, исследователи тасаввуфа³¹, такие как Б. Валихужаев, Р.А.Тиллабаев, Ориф Усмон, А.А.Хусейнова, З.Кутибоев, Э.Э.Каримов, К.Каттаев, Р.Шодиев, М.Хасаний, М.Раззокова, А. Рустамий, С.Сайфуллох, Наврузова Г.Н., Рахматова Х.Х., Ж.Холмуминов, И. Усмонов, К. Рахимов.

Следует признать, что в продолжении 1950-1977 годов после издания иранскими учеными А.А. Муъийнийон и А.Г. Маъони крупных прозаических произведений Али Сафи, «Рашахот» был переведен и издан на современном

Бартольд В.В.Сочинения. Том VIII. Работы по источниковедению. – Москва: Издатель-во «Наука» Главная редакция восточной литературы, 1973. - С. 192; Казаков Б. Анонимное житие Ходжи Ахрара. (Бартольдовские чтения) – М.: Наука, 1981; Сухарева О.Р. Потомки Ходжа Ахрара (Бартольдовские чтения). – М.:1982; Болдырев А.И. Ещё раз к вопросу о Ходжа Ахраре / Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем востоке в период феодализма. – М, 1982; Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998). Составитель и отв. редактор А.А.Хисматулин. Филологический факультет Санкт-Петербургского Государственного Университета. – С.Петербург, 2001. – С.20-32.

²² Зарринкуб А. Эрон тасаввуфи тўғрисида изланишнинг давоми (форсча)/Еттинчи нашр. –Техрон, «Амири Кабир», 1387/2008.

²³ Хусайний Марям. Нақшбандия тариқати намояндаларининг «Рашахот айн ал-хаёт»гача бўлган асарларида ушбу тариқат ўн бир рашхасининг шаклланиш жараёни «Гавҳари гўё» ирфоний адабиёт тадқиқотлари илм. журнали. 14000/2021й. баҳори ва ёзи. №1(46).-Б.155-174.

²⁴ Кўпрўлузода Ф. Миллий татабулар мажмуаси. – Истанбул, 1931; Köprülü Fuat. Türk dili ve edebiyati hakkında araştırmalar. – İstanbul, 1934.

²⁵ Josan M. A. İlmîy makaleler. – İstanbul, 2001, 5-baski. – S. 226.

²⁶ Gunduz İrfan. Gumuşhanevi Ahmed Zıyaüddin k.s. – Nakşbendîyye Prensıbları.– İstanbul, 1984.336 s.

²⁷ Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999.

²⁸ Tosun Necdet. Bahoeeddin Naksbend. Hayati-Gorisleri-Tarikati. – İstanbul: «İnsan yayınları», 2008. – S.338.

²⁹ Йилмаз Х. Золотая силсила.(Перевод с турецкого Д. Кадыров.)-Москва, «Сад», 2009.

³⁰ Resahat (Hayat pınarından jan damlaları). Sadelestiren: Mustafa Uzсарay. –Türkiye. Davutpasa/İstanbul: «Semerkand», 2017.

³¹ Каримов Э. Э. Роль, место и социальные позиции духовенства Мавераннахра в XV в.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1990.159с.; Каттаев К. Хожа Ахрор ва Улуғбек. // «Гулистон» журн.,1991.3-сон.; Шодиев Р. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии: Дисс. канд. ист. наук. – Самарканд, 1993.240 с.; Ориф Усмон. Баҳовуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Т.,Университет, 1993.; Усман А. Крупнейшие суфийская братства Центральной Азии. – Самарканд: «Саратон-Хамар», 1999.; Ориф Усмон. Бухори шарифнинг етти пири. – Т.,ТошДШИ, 2003.; Каттаев К. Бу офоқ ичра тоқ (Хожа Ахрор ҳақида) //«Зарафшон» журн., 1994.17 ноябр сони.; Тиллабаев Р.А. Среднеазиатские агиографические сочинения XV-XVI вв. как исторический источник (жития шейхов нақшбандиев). Автореф.... дисс. док. ист. наук. – Т.,1994.54 с.; Хусейнова А.А. Общечеловеческие ценности в мировоззрении Абдрахмана Джами: Автореф. ...дисс. канд. ист. наук. –Т., 1994.-64с.; Кутибоев З. Дарёи раҳматиға фарқ қилгай // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. – Т.,Ўзбекистон, 1994. – Б.253-263; Кутибоев З. Хожа Ахрор сийрати // «Мулоқот», 11-12, 1995. – Б.47-48.; Кутибаев З.А.Ходжа Убайдуллах Ахрар и его место в социально-политической и духовной жизни Мавераннахра XV века: Автореф. дисс. док. ист. наук. – Т., 1998.; Ҳасаний М., Раззокова М. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андокий. – Т.: Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази, 2003.; Валихужаев Б. Буюк маънавий муршид. – Т.: «Фан», 2004.168 б.; Рустамий А. Ҳазрати Навойийнинг маънавий олами. – Т., 2014. - Б.98.; Наврузова Г.Н., Рахматова Х.Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. –Бухоро: «Бухоро», 2010; И. Усмонов. Ҳаким Термизий ва нақшбандия тариқати. //Илмий-таҳлилий ахборот. Тошкент ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009; Рахимов К. Нақшбандия тариқати ва етти пир. –Т., «O‘zbekiston», 2020.; Холмуминов Ж. Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий. Ҳаёти ва фалсафий-ирфоний мероси. –Т., «Tafakkur tomchilari», 2021.

